



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Тарих факультети
Умумий тарих кафедраси
IV босқич “А” гуруҳ талабаси
Маматкулова Нигоранинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Салиб юришларининг тарихий
манбаларда ёритилиши**



Иш раҳбари:

доцент Мамажонов А.

А Н Д И Ж О Н - 2 0 1 1

МУНДАРИЖА

1.Кириш.....	3
I–БОБ.	
2. Салиб юришларига доир тарихий манбаларнинг таърифи.....	9
II–БОБ.	
3. Биринчи салиб юриши ва Қуддус қироллигини ташкил топишига доир манбалар.....	16
III–БОБ.	
4. Тўртинчи салиб юриши ва Константинополни эгалланишини манбаларда ёритилиши.....	43
5.Хулоса.....	52
6.Фойдаланилган адабиётлар.....	55

РЕЖА

Кириш.

I БОБ.

1. Салиб юришларига доир тарихий манбаларнинг таърифи.

II БОБ.

2. Биринчи салиб юриши ва Қуддус қироллигини ташкил топишига доир манбалар.

III БОБ.

3. Тўртинчи салиб юриши ва Константинополни эгалланишини манбаларда ёритилиши.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг “Тарихий хотирасиз – келажак йўқ” асарида ижтимоий тараққиётнинг ҳаётий ривожланиш босқичларини чуқур ўрганиш зарурияти, миллий тарихнинг юксалиш ва инқирозлик даврларини мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан тушунтириш, мустамлакачи чор ва совет тузумлари сиёсати салибий оқибатларининг барча кўринишларининг ёритиб бериш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий камол топишида тарих фанининг ролини оширишни таъкидлаб ўтганди.¹

Мазкур битирув малакавий иши салиб юришларининг тарихий манбаларда ёритилиши билан боғлиқ муаммоларига бағишланган. Ишнинг мавзусини долзарблиги бир қатор омиллар билан белгиланади.

XI - XIII асрларда инсоният халқаро муносабатлар тараққиётининг янги босқичига кирди. Бу босқич дунё миқёсидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириш ва чуқурлаштириш билан ажралиб туради.

Ўрта асрлар тарихида салиб юришлари тарихига оид манбаларни ўрганишга бағишланган маълумотлар тарихчиларни диққатни ўзига тортадиган мавзулардан бири ҳисобланади.

Салиб юришларининг тарихий манбаларда ёритилиши мавзусини ўрганишнинг ҳозирги вақтдаги ҳолатини ёритиш, мазкур йўналишда фаолият юритаётган тарихчилар томонидан амалга оширилган тадқиқот ишларидаги турлича қарашлар, айниқса улар томонидан тадқиқ этилган салиб юришларига доир манбаларнинг таҳлили ва улардаги маълумотларга турлича ёндашувлар ва хулосаларга келиш мавзунинг долзарблигини белгилайди. Биз томонидан тўпланган ва ўрганилган маълумотларни тавсифлаб, талқин этиш асосий вазифа ҳисобланади.

Шу сабабли салиб юришларини ўрганишда тегишли манбалардан ҳолисона фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Ушбу мавзуда асосан биринчи ва тўртинчи салиб юришларига тааллуқли манбалар таҳлил этилиб, улардан тегишли хулосалар чиқарилади. Мавзуни ўрганишда латин, араб ва византия муаллифларининг қисса ва асарлари муҳим ўрин эгаллайди.

Мавзунинг хронологик чегараси XI аср охири - XIII аср бошлардаги Ғарбий Европа ва Яқин Шарқдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тарихни бир бўлаги бўлган салиб юришлари тарихини ва уларга доир манбаларни ўрганилиш даражасини қамраб олади.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: 1998.31-б.

Мавзунинг географик доираси: Европа, Ўртаер денгизи, Миср, Сурия ва Яқин Шарқ.

Ушбу мавзунинг амалий аҳамияти битирув малакавий иши материалларидан мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ташкил этилган тарих фани бўйича тўғарақларда, факультатив дарсларда, олий ўқув юртларида жаҳон тарихидан семинар машғулотида ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Мавзуга доир манбалар ҳақида сўз борганда шунинг таъкидлаш лозимки, аввало, Биринчи салиб юришига (1096-1099) оид қиссалар ва ҳикоялар ҳамда ҳужжатларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

Клермон Собори ва Урбан II томонидан салиб юришини эълон қилиниши масаласини ёритишда Шартрлик Фулхерийнинг “Қуддус тарихи” (Қуддусга ҳаж сафарини амалга оширган Франкларнинг қилмишлари) хроникаси ва Реймслик Робертнинг “Қуддус тарихи” хроникаси манба бўлиб ҳисобланади.

Салиб юришларининг сабаблари Пётр Пустынник(Дарвиш)нинг ваъзи, камбағал деҳқонларнинг салиб юришида иштироки масалаларини ёритишда аббат Гвиберт Ножанскийни “Франклар орқали яратганнинг қилмиши деб номланган тарихий хроникаси, Аахенлик Альбертнинг “Қуддус тарихи” хроникаси, Анна Комнинанинг “Алексиада” асари, Ибн ал-Асирни “Умумий тарихнинг тўла тўплами” асарлари манба ҳисобланади.

Салибчи рицарларнинг Византия пойтахтида бўлиши масаласи бўйича Анна Комнинанинг “Алексиада” ва Эдессалик Матфейнинг “Хронография” асарлари тарихий манба сифатида қаралади.

Салибчиларнинг Кичик Осиёга кириши ва Никейнинг эгаллиниши масаласи Блуасс ва Шартр графи Стефаннинг турмуш ўртоғи Аделига Никей остонасидан ёзган хати, Анна Комнинанинг “Алексиада” асари ва Эдессалик Матфейнинг “Хронография” асари орқали ўрганилади.

Салибчиларнинг Эдессада мустаҳкам ўрнашиб қолиши масаласи Эдессалик Матфейнинг “Хронография” асари ва Аахенлик Альбертнинг “Қуддус тарихи” хроникасида баён этилади.

1098 йил 3-28 июн кунлари салибчилар томонидан Антиохияни босиб олинишига бағишланган манбаларнинг сони анча кўп бўлиб, буларнинг қаторига Анжулик Раймунднинг “Қуддусни эгаллаган франкларни тарихи ”хроникаси, муаллифи номаълум “Франклар ва бошқа қуддусликларнинг қилмиши ” деб номланган итальян-норман хроникаси, салибчиларни йўлбошчиларини папа Урбан II га 1098 йил 11-сентябрдаги мактуби, Ибн ал-Каланисийнинг “Дамашқ тарихи”, Ибн ал-Асирни “Умумий тарихни тўла

тўплами”, Эдессалик Матфейнинг “Хронография”, Анна Комнина “Алексиада” сани киритиш мумкин.

Ал-Мааррани қамал қилиниши ва эгалланиши ҳамда салибчиларнинг бебошликлари хусусида муаллифи ноъмалум “Франклар ва бошқа қуддусликларнинг қилмиши ” деб номланган итальян-норман хроникаси, Анжулик Раймонднинг “Қуддусни эгаллаган франклар тарихи” хроникаси Ибн ал-Каланисийни “Дамашқ тарихи” ва Ибн ал-Асирни “Умумий тарихни тўла тўплами” хроникаларидан билиб оламиз.

Қуддусни салибчилар томонидан 1099 йил 15-июлда босиб олиниши масаласи муаллифи номаълум “Франклар ва бошқа қуддусликларнинг қилмиши” деб номланган итальян-норман хроникаси, Анжулик Раймонднинг “Қуддусни эгаллаган франклар тарихи” хроникаси, Канлик Раулнинг “Танкреднинг қилмиши” деб номланган хроникаси, Шартрлик Фульхерийнинг “Қуддус тарихи” хроникаси ва Ибн ал-Каланисийни “Дамашқ тарихи” қиссасида батафсил баён этилган.

Тўртинчи салиб юришини герман ерларида бошланиши масаласи эса Гунтер Пэрисскийнинг “Константинополни эгалланиши тарихи” хотира ёзувда баён этилган.

Салибчиларнинг Венецияга келиши, Задарни босиб олиниши ва Папаликнинг бу ўринда тутган сиёсати масалалари эса Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” деб номланган мемуарида, Робер де Кларининг шу номдаги хотира ёзувида, Гунтер Пэрисскийнинг “Константинополни эгалланиши тарихи” хроникасида, Гальбертшгаутлик шахси ноъмалум муаллифнинг “Трецияга хаж сафари ва у жойдан келтирилган эсдаликлар” деб номланган хроникасида ёритилган.

Салибчилар ва герман-византия дипломатик муносабатлари масалалари Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” мемуарида ва Никита Хониатнинг “Тарих” асарида акс этган.

Константинополга томон салиб юриши режалари ва папа Иннокентий III нинг мазкур хусусда тутган ўрни ва юритган сиёсати масалалари эса Гунтер Пэрисскийнинг “Константинополни эгалланиши тарихи” хроникасида ва Гальбертшгаутлик муаллифи ноъмалум кишининг “Трецияга хаж сафари ва у жойдан келтирилган эсдаликлар” деб номланган хроникасида баён этилган.

Салиб юришини Константинопол томонга буриб юборилиши, Византия пойтахти томон йўл олган салибчилар қўшинидаги ўзаро низо ва нифоқлар масалалари Робер де Кларининг “Константинополни эгалланиши” хроникасида ва Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” деб номланган мемуарида акс этган.

1203 йилда салибчилар томонидан Константинополни босиб олинishi масаласи Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” деб номланган мемуарида, Робер де Кларинг “Константинополни эгалланиши” эсдаликларида, Гунтер Пэрисскийнинг “Константинополни эгалланиши тарихи” хроникасида, Суассонлик шахси номаълум бўлган муаллифнинг “Қуддус ери ҳақида ва Константинопол шахридан ёдгорликларни қандай келтирилгани тўғрисида” деб номланган хроникаси ҳамда салиб юришларини қатнашчиси бўлган шахси номаълум рицар - муаллифнинг мактуби орқали ўрганилади.

1203 йилда салибчиларни Константинополда бўлишлари масаласини Никита Хониатнинг “Тарих” асаридан Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” деб номланган мемуаридан ва Робер де Кларинг “Константинополни эгалланиши” хотирасидан билиб оламиз.

Византияга қарши иккинчи урушнинг сабаблари ва империянинг тақсимланиши ҳақидаги шартнома масалалари Гунтер Пэрисскийнинг “Константинополни эгалланиши тарихи” хроникасидан ва Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” мемуари орқали ўрганилади.

1204 йилнинг апрелида салибчилар томонидан Византия пойтахтини босиб олинishi ва талон - тарож қилиниши масалалари Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” мемуари, Робер де Кларинг “Константинополни эгалланиши” эсдаликлари, Гунтер Пэрисскийнинг “Константинополни эгалланиши тарихи” деб номланган хроникаси ва Никита Хониатнинг “Тарих” асари орқали ўрганилади.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. XI-XIII асрларда ҳалқаро муносабатлар тарихида ўзига хос ўрин тутган салиб юришлари тарихига оид манбаларни ва уларнинг тахлили билан боғлиқ муаммоларни ўрганишни асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ишининг мақсади ҳисобланади.

Ишнинг вазифалари эса:

1. Салиб юришлари тарихи бўйича асосий манбаларни тахлил этиш.
2. Биринчи салиб юриши ва Қуддус киролигини ташкил топишига оид манбаларни ўрганиб чиқиш.
3. Тўртинчи салиб юриши ва Константинополни эгалланишига бағишланган тарихий манбаларни тадқиқ этишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишининг натижасига кўра, баён этилган фактик материаллар ва илмий хулосалардан олий ўқув

юртларида тарих факультети талабалари реферат ва курс ишларини тайёрлашда, семинар машғулотлари ўтказишда ҳамда ушбу Битирув малакавий ишининг материалларидан мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ташкил этилган тарих фани тўғаракларида ва факультатив дарсларда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Мазкур битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ишнинг мавзуси эса, битирув малакавий иши мазмунига қўйилган талабларга мос келади.

I-БОБ.

Салиб юришларига доир тарихий манбаларнинг таърифи

Салиб юришларига доир тарихий манбаларни таърифлашдан олдин салиб юришларини келиб чиқиши сабаблари, унинг амалга оширилиши, салибчилар тузган давлатлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш керак лозим бўлади. Салиб юришлари деганда Европа феодалларининг XI аср охиридан то XIII аср охиригача узоқ вақт давомида Яқин Шарқда — Сурияда, Фаластинда, Мисрда, Болқон ярим оролида, Кипр оролида ва бошқа жойларда олиб борган ҳарбий-мустамлакачилик юришлари кўзда тутилган.

Ташқи жихатдан бу юришлар диний рухдаги юришлар эди, чунки католик черкови бу курашни — «бутнинг — ярим ойга» қарши, христианликнинг — исломга қарши курашидир, деб эълон қилган эди; юришлардан муддао Фаластинни «кофирлар» дан халос қилиш ва христианлар эътиқодича, Қуддусдаги «Исо пайғамбар қабри» ни христианларга қайтариб олиб беришдир деб расмий эълон этилди. Ҳақиқатда эса, бу босқинчилик юришларидан иборат бўлиб, уларда европалик баронлар ва рицарлар ҳеч тап тортмай, Шарқнинг шаҳарларини таладилар, бутун бир мамлакатлар ва кироликларни босиб олдилар, ўзлари учун феодал рентасининг янги солиқ тўловчиларини қўлга киритдилар. Аммо салиб юришларида феодаллардан ташқари, жамиятнинг бошқа гуруҳлари, жумладан деҳқонлар ҳам қатнашдилар. Бу ҳол салиб юришларига энди ялпи, оммавий тус берди. Замондошларга бутун Европа ҳаракатга келгандай, халқларнинг қандайдир янги буюк Хижрати юз бергандай бўлиб кўринди.

Салиб юришлари тарихига оид манбалар асосан ёзма манбалар бўлиб, улар нарратив яъни ҳикоя, қисса тарзида ёзилган. Нарратив манбалар орасида тарихий қиссаларни ажратиб кўрсатиш мумкин, унда махсус равишда воқеа-ҳодисалар сиёсий жихатдан эркин шаклда ёритилади.

Салиб юришлари тарихига оид энг муҳим тарихий асарлар хроникалар ва тарихлар ҳисобланади. XIII асрдан бошлаб хроника муаллифлари ўз асарларини лотин тилида эмас, балки халқ тилида ёзишган. Хроникалар воқеаларни батафсил ёритганлиги билан ажралиб турган, хроникаларнинг муаллифлари фактларни қайд этибгина қолмасдан, балки уларга ўз қарашларини билдиришган.²

Кўп сонли хроникалар салиб юришлари тарихи билан боғлиқдир. Уларни орасида “Франклар ва бошқа қуддусликларнинг қилмишлари”, биринчи салиб юришининг

² Семёнов. В.Ф. Ўрта асрлар тарихи. Тошкент, 1973 й.с.259

катнашчиси бўлган оддий ва етарли маълумотга эга бўлмаган рицар томонидан ёзилган; XII аср Гвиберт Ножанский бўлган; “Константинополни эгалланиши” ни тўртинчи салиб юришининг йўлбошчиларидан бири, Шампан графлиги маршали Жоффрау Виллардуэн ва шу воқеаларни амьенлик рицар Робер де Клари хроника шаклида ёзиб қолдиришган. Бу икки хроника ҳам француз тилида ёзилган.

Салиб юришлари тарихи бўйича манбаларни асосан учга ажратиш мумкин:

1. Биринчи ва тўртинчи салиб юришларининг лотин хроникачилари асарлари;
2. Шарқлик замондошларни салиб юришлари тўғрисидаги маълумотлари;
3. Қадимги рус ёдгорликларида салиб юришлари тарихини баён этилиши.

Ўз навбатида Биринчи салиб юришига (1096-1099) оид қиссалар ва ҳикоялар ҳамда ҳужжатларни қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- I. Клермон Собори ва папа Урбан II томонидан салиб юришини эълон қилиниши масаласини ёритишда Шартрлик Фулхерийнинг “Қуддус тарихи” (Қуддусга ҳаж сафарини амалга оширган Франкларнинг қилмишлари) хроникаси ва Реймслик Робертнинг “Қуддус тарихи” хроникаси манба бўлиб ҳисобланади.
- II. Салиб юришларининг сабаблари Пётр Пустынник(Давиш)нинг ваъзи, камбағал деҳқонларнинг юриши масалаларини ёритишда аббат Гвиберт Ножанскийни “Франклар орқали яратганнинг қилмиши деб номланган тарих” хроникаси, Аахенлик Альбертнинг “Қуддус тарихи” хроникаси, Анна Комнинанинг “Алексиада” асари, Ибн ал-Асирни “Умумий тарихнинг тўла тўплами” асарлари манба ҳисобланади.
- III. Салибчи рицарларнинг Византия пойтахтида бўлиши масаласи бўйича Анна Комнинанинг “Алексиада” ва Эдессалик Матфейнинг “Хронография” асарлари тарихий манба сифатида қаралади.
- IV. Салибчиларнинг Кичик Осиёга кириши ва Никейнинг эгалланиши масаласи Блуасс ва Шартр графи Стефаннинг турмуш ўртоғи Аделига Никей остонасидан ёзган хати, Анна Комнинанинг “Алексиада” асари ва Эдессалик Матфейнинг “Хронография” асари орқали ўрганилади.
- V. Салибчиларнинг Эдессада мустаҳкам ўрнашиб қолиш масаласи Эдессалик Матфейнинг “Хронография” асари ва Аахенлик Альбертнинг “Қуддус тарихи” хроникасида баён этилади.
- VI. 1098 йил 3-28 ибн кунлари салибчилар томонидан Антиохияни босиб олинишига бағишланган манбаларнинг сони анча кўп бўлиб, буларнинг

каторига Анжулик Раймунднинг “Қуддусни эгаллаган франкларни тарихи” хроникаси, муаллифи номаълум “Франклар ва бошқа қуддусликларнинг қилмиши ” деб номланган итальян-норман хроникаси, салибчиларни йўлбошчиларини папа Урбан II га 1098 йил 11-сентябрдаги мактуби, Ибн ал-Каланисийни “Дамашқ тарихи”, Ибн ал-Асирни “Умумий тарихни тўла тўплами”, Эдессалик Матфейнинг “Хронография”, Анна Комнина “Алексиада” сани киритиш мумкин.

VII. Ал-Мааррани қамал қилиниши ва эгалланиши ҳамда салибчиларнинг бебошликлари хусусида муаллифи ноъмалум “Франклар ва бошқа қуддусликларнинг қилмиши ” деб номланган итальян-норман хроникаси, Анжулик Раймонднинг “Қуддусни эгаллаган франклар тарихи” хроникаси Ибн ал-Каланисийни “Дамашқ тарихи” ва Ибн ал-Асирни “Умумий тарихни тўла тўплами” хроникаларидан билиб оламиз.

VIII. Қуддусни салибчилар томонидан босиб олиниши (1099 йил 15-июл) масаласи муаллифи номаълум “Франклар ва бошқа қуддусликларнинг қилмиши ” деб номланган итальян-норман хроникаси, Анжулик Раймонднинг “Қуддусни эгаллаган франклар тарихи” хроникаси Канлик Раулнинг “Танкреднинг қилмиши” деб номланган хроникаси, Шартрлик Фульхейрининг “Қуддус тарихи” хроникаси, Ибн ал-Каланисийни “Дамашқ тарихи” қиссасида батафсил баён этилган.

Қуддус қироллиги тарихига оид маълумотларни хусусан салибчилар давлатларидаги ижтимоий тартиблар, Сурия ва Фаластиндаги мусулмон аҳолини босқинчиларга муносабати масалалари Усама ибн Мунқизнинг “Ўғитлар китоби” да баён этилган.

Тўтинчи салиб юриши ва Константинополни эгалланиши (1199-1204) га таалукли манбалар ҳам турли масалаларни қамраб олади.

Францияда Тўртинчи салиб юришини бошланиши ва салибчиларнинг Венеция билан муносабатлари масалалари Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” деб номланган мемуарида Робер де Кларининг “Константинополни эгалланиши” деб номланган хотира ёзувларида ҳамда салиб юришлари йўлбошчиларининг муқаддас ерга ўтказиб қўйиш тўғрисида Венеция билан 1201 йил апрелда тузган шартномасида акс этган.

Тўртинчи салиб юришини герман ерларида бошланиши масаласи эса Гунтер Пэрисскийнинг “Константинополни эгалланиши тарихи” хотира ёзувда баён этилган.³

Салибчиларнинг Венецияга келиши Задарни босиб олиниши ва папаликнинг тутган сиёсати масалалари эса Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” деб номланган мемуарида Робер де Кларининг шу номдаги хотира ёзувида Гунтер Пэрисскийнинг “Константинополни эгалланиши тарихи” хроникасида Гальбертштаутлик муаллифи ноъмалум кишининг “Трецияга хаж сафари ва у жойдан келтирилган эсдаликлар” деб номланган хроникасида ёритилган.

Салибчилар ва герман-византия дипломтия масалалари Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” мемуарида ва Никита Хониатнинг “Тарих” асарида акс этган.

Константинополга томон юриш режалари ва папа Иннокентий III нинг сиёсати масалалари эса Гунтер Пэрисскийнинг “Константинополни эгалланиши тарихи” хроникасида ва Гальбертштаутлик муаллифи ноъмалум кишининг “Трецияга хаж сафари ва у жойдан келтирилган эсдаликлар” деб номланган хроникасида баён этилган.

Салиб юришини Константинопол томонга буриб юборилиши, Византия пойтахти томон йўл салибчилар қўшинидаги ўзаро низо ва нифоклар масалалари Робер де Кларининг “Константинополни эгалланиши” хроникасида ва Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” деб номланган мемуарида акс этган.

1203 йилда салибчилар томонидан Константинополни босиб олиниши масаласи Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” деб номланган мемуарида, Робер де Кларининг “Константинополни эгалланиши” эсдаликларида, Гунтер Пэрисскийнинг “Константинополни эгалланиши тарихи” хроникасида, Суассонлик номаълум шахснинг-муаллифнинг “Қуддус ери ҳақида ва Константинопол шахридан ёдгорликларни қандай келтирилгани тўғрисида” деб номланган хроникаси ҳамда салиб юришларини қатнашчиси бўлган шахси номаълум рицарнинг мактуби оркали ўрганилади.

1203 йилда салибчиларни Константинополда бўлишлари масаласини Никита Хониатнинг “Тарих” асаридан Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” деб номланган мемуаридан ва Робер де Кларининг “Константинополни эгалланиши” хотирасидан билиб оламиз.

Византияга қарши иккинчи урушнинг сабаблари ва империянинг тақсимланиши ҳақидаги шартнома масалалари Гунтер Пэрисскийнинг “Константинополни эгалланиши

³ Всемирная история в 10 томах. Том-3. – М; 1987.с.341

таърихи” хроникасидан ва Жоффруа Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” мемуари орқали ўрганилади.

1204 йилнинг апрелида салибчилар томонидан Византия пойтахтини босиб олиниши ва талон тарож қилиниши масалалари Жоффруа Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” мемуари, Робер де Кларининг “Константинополни эгалланиши” эсдаликлари, Гунтер Пэрисскийнинг “Константинополни эгалланиши таърихи” деб номланган хроникаси ва Никита Хониатнинг “Таърих” асари орқали ўрганилади.

“XI-XII асрлардаги салиб юришлари” мавзуси ўрта асрлар таърихи курсида ўзига хос ўрин эгаллайди. Уни кенг қўламдаги таърихий материал қамраб олиб уни билиш мавзуга доир муаммоларни чуқурроқ ўзлаштиришга имкон беради. Католик черкови шиорлари билан руҳлантирилиб, рицарлар томонидан олиб борилган бу уруш ҳаракатлари, диний дунёқараш ҳукмронлик қилган ўрта асрнинг бу даври учун характерли бўлган бир қўриниш ҳисобланади.

Ғарб ва Шарқ феодал жамиятидаги ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг мураккаб ва ўзига хос қўриниши салиб юришларини ўрганишда кенг қўламда очиб берилади, чунки уларни таърихини ёритувчи воқеа-ҳодисалар фақат латин хроникаларидагина эмас, балки қўпсонли араб, арман, грек ва рус замондошларини ва гувоҳларнинг қиссаларида ҳам баён этилган. Шу нуқтаи назардан “Салиб юришлари” мавзуси бирдан-бир ҳолатки, уни устида ишлаш XII-XIII асрларга оид таърихий адабиётлар ва бошқа ёзма ёдгорлик устида ишлаш имконини беради.

Мазкур битирув малакавий ишида салиб юришлари таърихи бўйича асосий манбалар тўғрисидаги маълумотлар қисқача баён этилади. Бу манбаларни туркумларга ажратилади ва латин хроникаларини ғоявий мазмуни таҳлил қилинади, шу билан бирга бу жойга араб, арман, грек ва рус солномалари ва ғарблик рицарларни Шарқдаги салиб юришлари ҳақидаги бошқа қисса ва ҳикояларни таърифланади. Шунингдек, воқеаларни хронологик тартибда ўзиб борилган хроникалар, қундалиқлар ва хатлар салиб юришлари қатнашчиларининг ва замондошларининг йўл хотиралари ҳамда (**мемуарлар**-эсдаликлар, **ёдномалар**-муаллифнинг ўз қўзи билан қўрган ёки қатналган ўтмиш воқеалар тўғрисида ўзган асари) эсдалиКлари ўз ичига олади. Айрим манбаларда Биринчи салиб юриши таърихи, Қуддус қироллигининг ижтимоий-сиёсий тузуми таърихи ва Тўртинчи салиб юриши таърихига оид матнлардан баъзи лавҳалар келтирилади. Айнан шу сюжетлар яъни асарнинг асосий мазмуни мазкур мавзунинг диққат марказида туради.

II-БОБ.

Биринчи салиб юриши ва Қуддус қироллигини ташкил топишига доир манбалар

Салиб юришларининг сабабларини қисман XI асрнинг иккинчи ярмида Яқин Шарқда юз берган ўзгаришлардан, қисман феодал Ғарбий Европанинг ўзидаги умумий иқтисодий тараққиёт ва кескин ижтимоий зиддиятлардан қидирмоқ керак.

XI асрда Шарқда Европа феодалларининг ҳужум қилиши учун жуда қулай бир вазият майдонга келган эди. Бир вақтлар қудратли деб ҳисобланган Бағдод халифалиги 1055 йилга келиб батамом тарқалди. Бошқа йирик давлат — Комнинлар замонидаги Византия ҳам оғир кунларни бошидан кечирмоқда эди.. Болқон ярим оролига бостириб кирган печенеглар Византия империясига шимол томондан ҳужум бошлаган эдилар. Сицилия норманнлари ғарбдан Византияга хавф солмоқда эдилар. Аммо салжук турклари Византия учун айниқса хавфли эдилар, улар Кичик Осиёнинг катта бир қисмини босиб олган ва, айти замонда, Константинополга қўшни бўлган Ника шаҳрини ўзларига пойтахт қилиб олган эдилар. 1071 йилда турklar Манцинкерт шаҳари ёнида византияликларни қаттиқ мағлубиятга учратдилар. Янги император Алексей Комнин (1081 йилдан идора қила бошлаган эди) гарчи турklarнинг бир неча ҳамласиини тўхтатган бўлса-да, лекин хар холда, империянинг ахволини мустаҳкам дея олмасди. XI асрнинг 80 ва 90- йилларида у турklarга қарши ёрдам беришни сўраб папага ва Германия имераторига бир неча бор мурожаат этди. Илгари яккаю-ягона бўлган христиан черкови 1054 йилдан эътиборан иккита ракиб қисмга Шарқий (православ) ва ғарбий (католик) черковларга қатъий ажралиб кетган бўлса ҳам, Алексей Комнин сиёсий мақсадларни кўзда тутиб, папа бошчилигида бу черковларни хатто қайтадап бирлаштиришга ҳам таъсир эди. Шундай қилиб, Шарқнинг икки энг йирик давлати Араб халифалиги билан Византия империяси — салибчиларга бирор-бир жиддий тўсқинлик кўрсатишдан ожиз эдилар. Бунинг устига, улардан бири (Византия хатто Европа феодалларини Шарқ можароларига аралаштишга даъват этди. Турklarга келсак, XI асрнинг 80 ва 90- йилларида келибоқ уларнинг номустаҳкам харбий-қабилалар иттифоқи тарқалиб кета бошлаган эди. Феодаллашиб бораётган айрим турк бекликлари ғарб феодалларининг ҳужумини тўхтата олмадилар.⁴

Аммо салиб юришларининг, жумладан, биринчи Салиб юришининг асосий сабаби, ахир-пироварди, Ғарбий Европанинг ўзидаги ижтимоий зиддиятларнинг ўткирлашиб кетганлиги эди. XI асрда майда рицарларнинг кўпчилигига ер етишмас эди. Савдо - сотиқ

⁴ Виппер Р.Ю. История средних веков. Курс лекций. Санкт-Петербург. 2001.с.197

ва шаҳарларнинг ривожланиши натижасида эҳтиёжларнинг усиб бориши муносабати билан феодалларнинг маҳаллий деҳқонларни эксплуатация қилишдаи оладиган даромадларн улар учун кифоя қилмайдиган бўлиб қолди. Жуда кўп рицарлар ердан буткул маҳрум қилинган эдилар, чунки феодалларга қарашли ер-мулк ва даромадлар (феод) одатда катта ўғилга берилар эди(майорат тартиби) ва кичик ака-укалар эса отадан қолган меросдан бирор нарса олишга ҳақлари йўқ эди. Шарқдаги ерларни босиб олиш мақсадида у ерларга юришлар қилиш бундай рицарларнинг мушкул аҳволдан чиқишларининг бирдан-бир йўли эди. Йирик феодаллар (князлар ва баронлар) ўз синфлари ичидаги можаро ва ихтилофларнинг олдини олиш учун рицарларнинг диққат- эътиборини бошқа нарсаларга жалб этиш муҳимроқ эди.

XI аср охири — XII аср бошида салиб юришидаги ғоят муҳим масала— деҳқонлар масаласи эди. Ғарбий Европанинг феодал зулми натижасида асоратга туширилган, эзилган деҳқонлари дастлабки пайтларда Шарққа бажону дил йўл олдилар. Крепостной қарамликдаги халос бўлиш, қарзларни тугатиш, Шарқдан ер олиш умиди (шуни айтиш керакки, деҳқонларнинг географик тасаввури тамомила хаёлий, амалга ошмайдигани бир тасаввур эди) ўн минглаб кишиларнинг туғилиб ўсган шаҳар ва қишлоқларини ташлаб, узоқ юртларга кетишга мажбур этди ва уларнинг кўплари бу жойларда оч-яланғоч қолиб, хор-зорликда ўлиб кетди. Дунёвий ва Рухоний феодаллар деҳқонларнинг Шарққа қиладиган юришии вужудга келган оғир аҳволдан қутулишининг ўзига хос бир йўли деб билардилар. Бу нарса товар-пул муносабатлари ривожланиши билан феодал-крепостниклик тузуми кенг тарқалаётган ва феодал эксплуатацияси кучайиб бораётган бир шароитда Европада деҳқонлар урушининг тўғридан-тўғри бошалиб кетиш хавфидан ҳукмрон гуруҳларни қутқарган бўларди. Кўпдан-кўп монахлар ва бошқа дайди воизхонлар деҳқонлар орасида тарғибот юргизиб, уларни Шарққа юришдек «эзгу ишда» қатнашишга даъват этардилар. Бироқ деҳқонлар масаланинг моҳиятига дарҳол тушуниб етмаган бўлсалар-да, лекии оқибат-натижада, улар гапнинг нимада эканлигини очиқ-ойдин пайқаб олдилар. Шарққа қилинган дастлабки икки юришда деҳқонлар кўпчиликини ташкил қилган бўлсалар, учинчи юришдан бошлаб улар қатнашмай қўйдилар. Бундан кейинги салиб юришларининг ҳаммасида фақат феодалларнинг ўзлари қатнашдилар. Европа қиролари, энг йирик феодаллар (графлар ва баронлар), шунингдек, кўпдап-кўп рицарлар Яқин Шарқда, фақат Араб Шарқидгина эмас, балка Византияда ҳам янги феодал давлатлар барпо этиши масаласини очиқдан-очиқ қўзлай бошладалар. Қуддус ва Фаластин масаласи, кейинчалик уларнинг режаларида иккинчи даражали масала бўлиб қолган эди.

Италия шаҳарлари, айниқса улардан икkitаси Генуя билан Венеция – салиб юришларида жуда фаол қатнашдилар. Бу шаҳарларнинг флоти салибчиларни Шарққа ташиб олиб борди, салиб лашкарларини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турди. Босиб олинган территорияларни тақсимлашда бу ҳар икки шаҳар қатнашиб, биринчи галда Шарқнинг портлари ва бозорларини ўзларига монополия қилиб олишга ҳаракат қилдилар. Лекин, шунга қарамай, шаҳарлар салиб юришларида ҳаракатга келтирувчи асосий куч эмас эди.

Шарққа қилинган салиб юришларини «муқаддас урушлар» деб эълон этган католик черкови, табиий, бу юришлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилди.

Бу вақтга келиб папалик зўр қудратга эга бўлди. Дунёвий ҳокимият билан олиб борилган тўқнашувларда папа императорнинг ўзини бир неча марта мағлубиятга учратди. Салиб юришлари папаликка кўпгина реал фойдалар келтириши: парчаланиб кетган феодал Европасига сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилиши, Шарқий «схизматиклар»ни, яъни Шарқий православ черковининг ажралиб кетган христианларини Римга бўйсундириш учун, католик рухонийлари католицизм мазҳабига ўтказишни орзу қилган ҳам мусулмонлари орасидаги миссионерлик фаолияти учун жуда катта ионалар тўплаши мумкин эди. Ана шу ваздан, папа Урбан II 1095 йилининг кузида Жанубий Франциянинг Клермон шаҳрида кўп кишилиқ черков йиғинини тўплаб, унда сўзга чиқиб «кофирлар»га қарши курашмоқ учун Шарққа жўнаб кетишга даъват этди. Урбаннинг асосий даъвати «Исо пайғамбар қабрини» христианларга қайтариб олиб бериш ва «муқаддас» Фаластинни ҳалос қилишдан иборат эди. Папа салиб қатнашчиларининг гуноҳидан кечишни ваъда қилди, шунингдек, у Шарқда салибчиларни кутаётган бой ўлжа ҳақида ҳам очикдан-очик айтди. Йиғинда қисман француз, қисман бошқа мамлакатлардан келган минглаб рицарлар ҳозир бўлдилар. Феодалларнинг кўпдан-кўп йиғинларини ўтказиш фактининг ўзи шу нарсани яққол кўрсатадики, папа бош кўтариб чиқмасдан анча бурун рицарлар орасида кенг тарғибот олиб борилган ва уларнинг бир қисмини Фаластинга салиб юриши ўтказиш режасидан манфаатдор қилишга улгурилган. Папанинг бу чиқиши анча илгари тайёргарлик кўрила бошлаган ишни ташкилий ва ғоявий жиҳатдан расмийлаштиришдан иборат бўлди, ҳолос.

Биринчи салиб юриши тўғрисида сўз борганда, шуни айтиш мумкинки, салиб юришларининг бошланиши 1096 йилга тўғри келди. 1096 йилнинг баҳорида Шимолий ва Шарқий Франциянинг қисман Ғарбий Германиянинг деҳқонлар оммаси салиб юришлари учун йўлга тушди. Қўйни пуч ёнғоққа тўлғизилган деҳқонларга монах Пётр Амьенский (Пётр Пустинник) ва кичик мулкдор рицарь Вальтер Голяк бошчилиқ қилдилар. Деҳқонлар оломони ёмон уюштирилган, наридан-бери қуроллантирилган, озик-овқат маҳсулотлари

билан мутаам таъминланиб турилмас эди. Салибчи дехқонлар составида ўғирлик ва талончилик қилишдан манфаатдор бўлган бетайин, саёҳ элементлар ҳам кам эмас эди. Бу ҳол салибчилар «кофирлар» истиқомат қиладиган ерларга етиб бормасданоқ маълум бўлиб қолди. Жумладан, салибчилар Рейн дарёси бўйидаги шаҳарлардан ўтиб кета тура, у ерларда (Кёльнда, Майнцда ва бошқа шаҳарларда) погромлар уюштирдилар. Кейин улар Вентрия ва Болгария сингари мамлакатлар орқали ўтиб, бу ерларда ҳам талончиликни давом эттирдилар. Салибчилар оломони Константинополга келиб киргач, император уларнинг тартибсизлик кўрсатиши ва зўравонлик қилишдан хавфсираб, уларни кичик Осиё соҳилига жўнатиб юборишга шошилди. Кичик Осиё соҳилида салибчилар оломони тез орада турк қўшинига тўқнаш келди ва у салибчиларнинг кўпчилик қисмини кириб ташлади. Шундай қилиб, салибчиларнинг Шарққа қилган юриши батамом мағлубиятга учради.

1096 йилнинг кузида рицарлар, асосан француз ва итальян рицарлари, қисман Ғарбий Германия рицарларни жўнаб кетдилар. Бу юришга Қуйи Лотарингия герцоги Готфрид Бульонский бошчилик қилиб, ўзи билан бирга Шарққа иккита акаси— Болдуин билан Евстафийни олиб кетди. Шимолий француз феодалларига Нормандия графи Роберт ҳамда Фландрия графи Роберт бошчилик қилдилар, Жанубий француз феодаллари Тулуза графи Раймундни ўзларига йўлбошчи қилиб олдилар. Жанубий француз епископларидан бири, папа томонидан черков вакили (легати) қилиб тайинланган епископ Адемар ҳам уларга ҳамроҳ бўлди. Тарептия герцоги Боэмунд жанубий Италия феодалларига бошчилик қилди, жияни граф Танкред унга ҳамроҳлик қилди.

Рицарлар ҳам Шарққа Константинопол орқали кетган бўлсаларда, лекин турли йўллар билан бордилар. Баъзилари Пётр Амьенский раҳбарлигидаги дехқонлар отрядлари босиб ўтган эски йўлдан, яъни Рейн-Дунай дарёлари бўйидан бордилар. Бошқа отрядлар Шимолий Италия орқали ўтиб, сўнгра Болқон ярим оролидан Адриатика денгизи соҳили бўйлаб кетдилар. Учинчи отрядлар, бутун Италиyani босиб ўтиб, кейин Калабриядан кемаларга тушиб Болқон ярим оролига қараб кетдилар ва бу ердан Константинополга бордилар. Биринчи юришда жами бўлиб 30-40 минггача рицарь ватнашди. Аммо улар ҳузурида кўпгина яроғбардорлар, хизматкорлар, ҳар қанақанги савдогарлар бор эди; биринчи салиб юришидан омон қолган дехқон лашкарлари ҳам рицарларга келиб қўшилдилар.⁵

⁵ Заборов М. А. Крестоносцы на Востоке. – М.: Наука, 1980.с.356

1097 йил баҳоридагина Константинополга батамом йиғилиб бўлган феодал-салибчилар Византия императорига қасамёд қилишдан бош тортиб, узоқ вақтгача қайсарлик қилиб юрдилар. Салибчилар Шарқда турклардан урушиб олинадиган ерларни Византияга берамиз, деб император олдида ваъда беришни сира истамас эдилар. Ниҳоят рицарлар зимдан ваъдаларининг устидан чиқишни ўйламасалар-да, ҳар қалай қасамёд қилдилар.

Шундан кейингина, 1097 йил ёзида, рицарлар лашкари Кичик Осиёга ўтказиб юборилди. Бу ерда салибчилар Дорилея ёнида бўлган жангда туркларни мажақлаб ташладилар, шундан кейин улар жануби-Шарққа, Фаластин томонга қараб кетдилар. Чидаб бўлмайдиган жазирама иссиқда тоғлик йўллардан ўтиш улар учун ғоят машаққатли бўлди. Салиб қатнашчиларининг кўплари йўлда ҳалок бўлди. Агар салибчилар Шимолий Сурия чегарасида иттифокчиларга дуч келмаганларида, бу юриш тамомила барбод бўлган булур эди. Бу иттифокчилар арманлар бўлиб чиқди. Кичик Арманистон деб аталган ўлка (Киликияда) салибчилар ёрдамидан манфаатдор эди, чунки у Византия билан ҳам, турклар билан ҳам ғоят даражада душманлик муносабатида эди. Европа феодалларидан бири — Балдуин (Готфриднинг укаси) тез орада Эдесса князи, бошқаси — Сурия билан Месопотамия чегарасидаги Арманистон колониясининг князи бўлиб олди. Салибчиларнинг Эдессани босиб олиши стратегия жиҳтидан муҳим эди, чунки Эдесса Сурия билан Фаластинни шимол томондан турклар Хужумидан қўриқлаб турарди. 1098 йил ёзида салибчилар «Шарқ пойтахти» — Антиохияни босиб олдилар, Боэмунд Таренский Антиохияга Княз бўлиб олди. Учинчи йирик феодал — Раймунд Тулузскийга Триполи области (Антиохиянинг жанубида) тегди. Ниҳоят, 1099 йил ёзида салибчилар Қуддусга етиб бордилар. 1099 йилнинг 15 июлида улар штурм билан Қуддусни қўлга киритдилар. Салибчилар шаҳарни таладилар ва унинг аҳолисиинг катта қисмини, мусулмонларни ҳам, христианларни ҳам аямай ваҳшийларча қириб ташладилар. Бу истилолар натижасида салибчилар Ўрта денгизнинг бутун Шарқий соҳилини, яъни илгариги Финикия, Сурия ва Фаластинни эгалладилар. Қуддус, Антиохия, Триполи, Эдесса, Тир, Сидон, Акра шаҳарлари уларнинг қўлига ўтди. Салибчиларнинг шимолдан жанубга томон тор минтақа бўлиб чўзилиб кетган мулкларининг узунлиги 1200 км га етар эди.

Салибчилар давлати, хусусан Қуддус қироллигини ташкил топиши масаласида аввало салибчилар босиб олинган ҳудудларда ўз давлатлариини тузганликлариини таъкидлаш лозим бўлади. Бу давлат Қуддус қироллиги деб аталди. Бу давлатга дастлаб Готфрид Бульонский қирол қилиб сайланди, Аммо Қуддус қироллиги Балдуиннинг ворислари

замонида (1100-1118) катъий расмийлашди. Балдуин Эдесса князлигини Балдуин Буршеский деган бошқа феодалга берди.

Қуддус қироллиги ўзига хос «намунали» феодал давлати эди. Европанинг ҳеч бир жойда, Шарқдагидек, феодал иерархияси принципи бу қадар изчиллик билан амалга оширилмаган эди. Фаластинни бевосита идора этган Қуддус қироллигидан ташқари, шу қиролликнинг вассал давлатлари сифатида яни учта йирик князлик: Антиохия князлигини, Триполи ва Эдесса графликлари бор эди. Буларнинг ҳар бири маълум миқдорда баронликларга, баронликлар эса ўз навбатида рицарлик ленларга бўлинган эди.

Қуддус қироллигида Махсус феодал конституцияси тузилиб, у кичик феодалларнинг ўз сеньор-баронларига ва барон ҳам князларнинг қиролга нисбатан бўлган муносабатларини йўлга солиб турадиган бўлди. Бу конституция Қуддус ассизлари деб ном олди. Ассизларда рицарнинг бир йилда неча кун урушда хизмат қилиб бериши белгиланган эди. Феодалларнинг Мерос қолдириш тартиблари белгиланди. Ассизларга мувофиқ, қирол ҳокимиятни сайлаб қўйиладиган ва чекланган ҳокимият эди. Қиролни энг катта феодаллар кенгаши сайлар эди, бу кенгаш Олий палата дейиларди. Олий палата, айтилишича, феодалларнинг даъво ва баҳсларини текшириб ҳал этувчи олий суд ҳисобланарди. Князь ва баронларнинг бу палатасидан ташқари, қирол ўзига бирорта ҳам муҳим қарор қабул қила олмасди.

Қуддус қироллигидаги барча ер-мулклар ҳарбий характерга эга бўлиб, яъни феодаллардан иборат эди. Шундай қилиб европаликлар Шарқда феодал муносабатлар кўзга яққол ташланадиган, классик шаклдаги давлат барпо этдилар.

Бироқ Шарқда барпо қилинган янги давлат мустаҳкам эмас эди. Қирол, ҳокимиятни заиф эди. Рицарлар ўзбошимча ва интизомсиз эдилар. Маҳаллий аҳоли Золим «франклар»ни ёмон кўрарди (Шарқда барча европаликларни французлар номи билан ана шундай деб атадилар). Рицарлар ҳатто қишлоқларда маҳаллий аҳоли орасида яшамас ҳам эдилар. Улар шаҳарларда, қисман янгидан қурилган қасрларда истиқомат қилб, ҳеч қанақа рўзғор (хўжалик) юритмасдилар ва фақат деҳқонлардан олинадиган пул рентаси билангина тирикчилик ўтказардилар. Ҳарбнинг католик руҳонийлари каттагина ер-мулкларга эга бўлдилар. Қуддуснинг латин (католик) патриархи - қиролликда қиролдан кейинги иккинчи шахс ҳисобланарди. Салибчиларнинг истилолари натижасида Италия қаҳарлари катта-катта фойдалар кўрди. Генуяликлар билан Венецияликлар Сурия ва Фаластиндаги бутун савдо-сотиқ ишларини ўз қўлларига киритиб олиб, араблар билан византияликларни иккинчи ўринга суриб қўйдилар. Шаҳар атрофидаги ер-мулкларнинг бир қисmini ҳам ана шу генуяликлар билан венецияликлар олдилар. Феодалларнинг аксича, Италия

шаҳарликлари ўз қўлларига киритиб олган ерларда хўжалик билан шуғулланидиган бўлди. Шаҳарликлар бу ерларда энг қимматли экинлар (пахта, шакар қамиши, зайтун ўсимлиги ва ҳ.к) плантациялари барпо этиб, кўпроқ ишчи кучи сифатида қуллардан фойдаланишардилар.⁶

Биринчи ва тўртинчи салиб юришлари бўйича лотин хроникалари ҳам жуда муҳим маълумотларни ўз ичига олади. Салиб юришлари тўғрисидаги асосий маълумотлар XII-XIII асрлардаги Ғарбий Европа хроникаларидан ўрин олган ҳолда уларга Лотин Шарқининг тарихчиларининг асарлари ҳам қўшилади. Гарчи бу асарларнинг фақат бир қисмигина бевосита мавзуга бағишланган бўлсада, уларнинг ҳар бирида ўша даврда қандай тушунган бўлсалар жаҳон тарихини ва айрим мамлакатлар, монастырлар, черковлар, жойларнинг тарихида салиб юришларига анча миқёсда ўрин берилади. Умуман олганда бу вақтдаги бирорта хроника (хроника-воқеаларни хронологик тартиб билан ёзиб бориш) ёки аннал йўқки, уларда салиб юришлари эслаб ўтилмаган бўлсин. Бу ерда биз кўпроқ салиб юришларининг айнан ўзи тўғрисида ҳикоя қилувчи асарлар ҳақида таъкидлаб ўтамиз.

Биринчи салиб юриши (1096-1099) ғарбий европалик рицарлар томонидан учта динларнинг “муқаддас” шаҳри – Қуддусни (1099 йил 15 июлда) босиб олиниши ва Лотин-Қуддус қироллигининг ташкил топиши билан якунланиши, тарихчиларнинг катта эътиборини жалб қилди. Бу ҳақида 1096-1099 йиллардаги воқеа-ҳодисаларни ишгирокчилари томонидан яратилган асарларда бу ҳақида батафсил баён этилган. Бундай асарлар қаторига аввало “Франклар ва бошқа қуддусликларнинг қилмишлари” деб номланган-муаллифи номаълум итальян-норманн рицарь бўлган хроника ҳисобланади. Ушбу ҳикоядан маълум бўлишича, бу рицар дастлаб Тарентлик княз Боэмунднинг отрядида, 1098 йилнинг ёзидан бошлаб, улар томонидан мосул ҳукмдори отабек Кербоғи қўмондонлик қилган салжуклар қўшини устидан Антиохия ёнида ғалаба қозонилганидан кейин, Тулуза графи Раймунд ва Нормандия герцоги Робертларнинг лашкарида жанг қилган. Муаллифининг кимлиги номаълум бу воқеанома Тарентлик княз Боэмунднинг отрядини салибчилар қўшини таркибида 1096 йилдан бошлаб қатнашганидан бошлаб то 1099 йил 12 августда Аскалона ёнида Мисрликлар билан бўлиб ўтган жанг ҳақидаги тарихий воқеаларни ўз ичига олади. “Франклар ва бошқа қуддусликларнинг қилмишлари” хроникаси воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган кишининг ҳикояси, унинг кундалик ёзувлари асосида тахминан 1100 йилда ёзилган.

⁶ Заборов М.А. Введение в историографию крестовых походов (Латинская хронография XI-XIII вв.).- М.: Наука, 1976.с.278

“Франкларнинг қилмишлари” – Биринчи салиб юриши тарихини ёритадиган манбалар ичида ўзининг тўлалиги ва ишончилиги жиҳатдан энг яхши қисса ҳисобланади. Унинг ажратиб турадиган хусусияти – етарли маълумотга эга бўлмаган, ҳарбий рицарга хос бўлган, дағал муомалали кишининг воқеликни ҳақиқатда мавжуд шароитни ҳисобга олиб ўзган қиссаси ҳисобланади. Ўзининг кундалик ёзувларида бўлиб ўтаётган воқеа-ходисаларни энг муҳим жойларини қайд этиб боришга ҳаракат қилган. Салибчиларнинг босиб ўтган йўллари, ҳарбий ҳаракатлар олиб борилган ҳудудларни географик жойлашуви, юришнинг ҳарбий тарихи, кўпроқ Тарентлик Боэмунд отрядининг ҳаракатлари аниқ ва батафсил қайд этилган. Бу биринчи салиб юриши давомида 1097-1099 йилларда Кичик Осиё, Сурия ва Фаластин ҳудудларида бўлиб жанглар, урушаётган томонларнинг отрядларини жойлашуви, томонларнинг ҳарбий усуллари ва хийлалари тўғрисида, салибчилар ва уларнинг рақибларини тактикаси (жанг қилиш усули), у ёки бу мустаҳкамланган пунктларни қамал қилишнинг олиб борилиши ҳақида аниқ ва равшан тушунчага эга бўлиш мумкин. Қиссада салибчи рицарларнинг юриш вақтидаги турмуш иқир-чиқирлари етарли даражада ишончли тасвирланади, салибчиларнинг бошлиқларини салжуқий турклар билан олиб борган дипломатик музокаралари ва кўплаб бошқа йирик ва майда воқеа-ходисалар тўғрисида хикоя қилинади.

Биринчи салиб юриши тарихига оид яна бир муҳим ёзма манба-қисса, “Қуддусни эгаллаган франклар тарихи” ҳисобланади. Унинг муаллифи провансаллик рухоний Раймунд Анжуйский бўлиб, у жанубий франциялик салибчиларнинг йўлбошчиси граф Раймунд Тулузскийнинг мулозими ва пири бўлган. У шунингдек салибчилар қўшинидаги паранинг легати, Пюнлик епископ Адемар Монтейлскийга яқин бўлган. “Франкларнинг қилмиши” нинг муаллифи сингари Раймунд Анжуйский ҳам Биринчи салиб юришининг кўплаб муҳим воқеаларининг марказида бўлган. Унинг қиссаси асосан салибчилар томонидан 1098 йилда Антиохияни қамал қилиниши вақтида ёки 1099 йилда қисман ёзилган бўлиши мумкин. Раймунд Анжуйский салибчилар юришидаги атоқли рухонийлардан бири бўлган. У ўз қиссасида салибчилар босиб ўтган жойлар ва шаҳарлар тўғрисида, ҳарбий ҳаракатларнинг боришини, туркларнинг уруш тактикасини, у ёки бу шаҳарларни босиб олинишини, ҳуллас ўз кўзи билан кўриб гувоҳ бўлган воқеа-ходисаларни тасвирлайди. Раймунд шунингдек салиб юришларини молиявий томонини ҳам изоҳлайди, юриш чоғида рицарлар йўл қуюн сотиб олган маҳсулотла, уларнинг нарх-наволари, йўл харажатлари, умуман салибчиларнинг Шарқда бўлган чоғидаги бозор нархлари ҳақида маълумот беради. Воқеанавис бу рухоний, рицарлар ўзлари эгаллаган шаҳар ва қишлоқлар қўлга киритган ўлжалар ҳамда салибчи отрядларнинг айрим

йўлбошчилари бошқа сеньорларни қўли остидаги рицарларни сотиб олишга уринганликлари тўғрисида ҳам ёзиб қолдирган.

Биринчи салиб юришига бағишланган яна бир тарихий аҳамиятли қисса бу “Қуддус тарихи” бўлиб, унинг муаллифи француз руҳонийси, 1059-1128 йилларда яшаган Шартрлик Фульхерийдир. Салиб юришларининг бошида у герцог Роберт Нормандскийнинг отрядида эди, сўнгра, 1097 йилдан граф Балдуин Буланскийнинг салибчилар қўшинида Хиликиядаги ҳарбий ҳаракатларда қатнашди; сўнгра унинг капеллани сифатида 1098 йилда Эдессада қолган, айнан ўша пайтда Эдессада салибчиларнинг давлатларидан бирига асос солинди ва шунинг учун салибчиларнинг асосий қўшини томонидан Антиохия ва Қуддуснинг эгалланишида қатнашмаган. 1100-йилда Қуддуснинг биринчи кироли Граффрид Бульонский вафот этгач, эдесса хукмдори Болдуин унинг ўрнига тахтга ўтирди, Фульхерий ҳам Қуддусга кўчиб ўтди. Бу жойда у дастлабки икки қиролларнинг саройида юқори лавозимларни эгаллаганва амалда Қуддус қироллигининг расмий тарихшуноси ҳисобланган ва у ерда ўтмиш йилга яқин яшади. Фульхерийнинг қиссасининг айрим қисмлари турли йилларда ёзилган: биринчиси 1101 йилда, бошқалари 1106 йилда, учинчиси ва бошқа кейингилари 1124 ва 1127 йилларда яратилган. Бинобарин, “Қуддус тарихи” – Нафакат салиб юришини тарихига доир манба ҳисобланади, балки у салибчиларнинг Шарқдаги давлатлари тўғрисидаги илк тарихий қимматли маълумотларни ўз ичига олади. Кульхерий ўз қиссасида баён этган ва ўзини ҳаққонийлиги ва холислигини билдиради. Ҳақиқатда Фульхерийнинг қиссаси унинг жуда яхши фактик маълумотга эгалигидан дарак беради. Жумладан, айнан мана шу воқеанавис, XII-аср сўнггидаги Константинопол тўғрисида маълумот маълумот беради. Аниқ ишончли маълумотларни кўплиги жиҳатдан Шартрлик Фульхерийнинг қиссаси турли характерда бўлиб сўзсиз Биринчи салиб юриши тарихига оид энг яхши йилномалардан бири ҳисобланади.⁷

Раймунд ва Фульхерийларнинг қиссаларидан фаркли равишда, XII асрдаги бошқа йилнома қиссаларнинг муаллифлари, биринчи навбатда Пуатьедаги Сиврэйлик Пьер Тудебоднинг “Қуддусга юришнинг тарихи” асари бўлиб, Тудебод руҳоний сифатида салиб юришида қатнашган бўлиб, ўз асарида оз даражада ўзи кўриб гувоҳ бўлган воқеаларни баён этган, янги маълумотларни келтиради, қолган ҳолатларда эса муаллифи номаълум бўлган “Франкларнинг қилмиши” ва Фульхерийнинг асаридан фойдаланиб, компиляция яъни бошқа китоблардан териб олиб ёзган асари 1101 ва 1111 йилларда яратилган.

⁷ Заборов М.А. Историография крестовых походов (литература XV-XIX вв.).- М.: Наука, 1981.с.141

Шунингдек, Бретан вилояти архиепископи, 1047-1130 йилларда яшаган Бодри Дольскийнинг 1108-1110 йилларда ёзилган “Қуддус тарихи” асари ҳам компиляция йўли билан, бошқа китоблардан териб олиб ёзилган.

Компилятив характердаги қиссалар қаторига 1109 йилда ёзилган “Франкларнинг қилмишлари тарихи” асарини қўшиш мумкин. Унинг муаллифи таниқли француз ёзувчиси ва тарихчиси, айниқса ўзининг автобиографияси (яъни бирор шахснинг ўзи ёзган таржимаи ҳоли) билан машҳур аббат Гвиберт Ножанский (1053-1124) ҳисобланади. Бу асарнинг мазмунини бошидан охиригача Шарққа томон юриш худонинг иродаси билан амалга оширилгани, салибчилар (франклар) эса фақат худонинг ҳоҳишини ижро этувчилар эканлиги, бу ҳоҳиш уларга рим папаси орқали етказилганлигини таъкидлайди.

Гвиберт Ножанскийнинг асарига ўзининг кўпчилик жиҳатлари билан Реймслик Роберт исмли монахнинг “Қуддус тарихи” номли қиссаси яқин туради. Асар 1107 йилда Мармутъедаги монастирнинг Бернар исмли аббатининг топшириғига асосан ёзилган. Реймслик Робертнинг “Қуддус тарихи” номли бу асари бу Клерман соборидан яъни 1095 йилдан то 1099 йилгача бўлган воқеаларни қамраб олган, салиб юришининг биринчи тўла тарихи ҳисобланади. Бу қиссада Клерман саборини баёни тўла акс эттилиб, монах бу йиғилишда шахсан ўз қатнашган.

1096-1099 йиллардаги салиб юришига бағишланган яна бир қатор қиссаларни эслаб ўтиш жоиз бўлади. Немис-бенедиктчи аббати Аурлик экспехарднинг қиссаси мана шундай асар бўлиб “Қуддуслик ёки муқаддас Қуддус черкови озод этилиши ва қайта тикланиши ҳақида китоб” деб номланган. Қисса Эккехард томонидан Фаластиндан қайтиб келганидан кейин ёзилган, у жойда 1101 йилда бир ярим ой бўлиб, қайтиб келган. Қисса асосан номаълум муаллифнинг “Франкларнинг қилмишлари” асари бўйича, қисман шахсий таасуротлари ва ўз кўзи билан кўрган гувоҳларни ҳикоялари асосида ёзилган. Эккехард ўз қиссасида герман ерларида салиб юришларига қандай тайёргарлик кўрилгани, Қуддусни ғарблик рицарлар томонидан эгалланганидан кейинги ўз кўзи билан кўрган воқеаларни баён қилган. Юқоридаги белгилар унинг асарини Биринчи салиб юришига бағишланган бошқа қиссаларга яқинлаштиради. Эккехард 1130 йилда вафот этган.

Ўзининг нисбатан ҳақиқатга яқин туриши билан Канлик Раул ёки Радульф исмли норманн рицарини (1050-1130) – “Қуддус юришларида Танкреднинг қилмишлари” деб номланган қиссасини мисол қилиб келтириш мумкин. Раулнинг ўзи салиб юришида қатнашмаган бўлсада, аммо салиб юришидан сўнг фаластиндаги жанг ҳаракатларини ўзи кўриб гувоҳ бўлган воқеаларни 1112 ва 1118 йиллар оралиғидаги ўзининг кундалик дафтарида қайд этиб борган воқеалар, шунингдек Терентлик Боэмунднинг амакиваччаси

Танкреднинг ва салиб юришларини бошқа катнашчиларини хикояларини бевосита уларнинг сўзидан ёзиб олгани, бўлиб ўтган ходисалар тўғрисидаги асосий ва ягона манба бўла олади. Канлик Раул XII аср бошларидаги хроника ёзган муаллифлари орасида анча кенг билимга эга, классик адабиётнинг билимдони бўлиб олдинга чиқади. “Танкреднинг қилмишлари” да қадимги рим ёзувчилари, тарихсилари ва шоирларининг асарларидан кўплаб цитаталар келтирилади. Хуллас, Раул ўз асарини Тарентлик Боэмундни ва Танкреднинг хикоялари бўйича яратган.

Биринчи салиб юриши тарихи бўйича, асосан компилятив характердаги нарратив манбалар қаторига яна иккита катта қиссаларни киритиш мумкин. Улардан бири Лотарингиялик каноник Алберт Аахенскийнинг “Қуддус тарихи” асари бўлиб, 1120 ва 1153 йиллар оралиғида ёзилганю муаллиф ўз асарида немис салибчи рицарларининг Муқаддас ерни жанг қилиб эгалланишидаги хизматларини, лотарингия герцоги Готфрид Бульонскийнинг салиб юришида тутган ўрнини баён этади.

Бир оз кейинроқ ўзига хос Биринчи салиб юриши тарихига оид қисса яратилди. Бу Тир архиепископи Гийомнинг (1130-1186) “Денгиз орти ерларидаги қилмишлар тарихи” асари бўлиб, у ўзини француз хисоблаган ва қиссани француз тилида ёзган. У Фаластинда бўлиб, умрини ёшлик йилларида Францияда яшаб, университетда таълим олган. 1165 йилда каноник Гийом ўз ватанига қайтиб келди. Уни Қуддус қироли Амфит саройига хизматга қабул қилишади. Гийом Тирский ўз даврининг илмли, маълумотли кишиси бўлиб, қадимги тилларни ва араб тилини яхши билган. У каноник (черков) ҳуқуқининг билимдони бўлган.

Гийом, XII-асрнинг иккинчи ярмидаги халқаро дипломатик алоқаларда сезиларли роль ўйнаган. Архидьякон даражасига кўтарилган Гийом, 1168 йилда қирол Амори I нинг топшириғига кўра дипломатик миссия билан Константинополга борди. У жойда император Манул билан Мисрга қарши иттифок тузиш хақида музокаралар олиб борди, Византия пойтахтида Гийом ярим йилдан кўпроқ яшади. 1174 йилдан у канцлер ва ёш қирол Болддин IV нинг устози бўлди, 1175 йилда эса Тирнинг архиепископи этиб тайинланди. 1179 йилдан кейин Гийом Қуддус қироллигини сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмай қўйди, ва бутунлай ўзини тарихий асарини яқунлашга бағишлади.⁸

“Денгиз орти ерларда қилмишлар тарихи” Биринчи салиб юришидан ташқари, 1184 йилга қадар бўлган Қуддус қироллиги тарихини ўз ичига олади. Гийомнинг асарини

⁸ Заборов М.А. “История крестовых походов. В документах и материалах». М.; 1977.с.127

дастлабки ўн беш йили 1144 йилга қадар бўлган воқеаларни ўз ичига олиб, компиляция тартибида ёзилиб, муаллиф асосан Альберт Аахенскийнинг асарига таянади, қисман эса раймунд Анжуйский, Фульхерий Шартрский ва Бодри Дольскийларнинг қиссаларидан кўчириб олиб ёзган, ва кекса авлоднинг вакиллари билан суҳбатлар чоғида ёзиб олган маълумотларни ёритган. Қиссанинг бу қисми 1169-1178 йилларда яратилган бўлиб, сарой тарихчиси сифатида Амори I нинг ҳузурида хизмат қилганида ёзилган. Муаллиф кейинги қисмда 1144-1184 йиллардаги воқеаларни баён этиб, ўзининг эсдаликларига ва замондошларининг гувоҳликларига асосланган. 1165 йилдан кейинги воқеа-ҳадисларни баён этишда, у маълум даражада архив ҳужжатларидан фойдаланган чунки черков ва давлатда юқори лавозимларни эгаллаб, архивдан фойдаланиш имкониятига эга бўлган. Қиссанинг бу қисми Гийом Тирскийнинг умрини охириги йилларида яратилган ўзаро курашида Гвидо Лузиньяннинг гуруҳи ғолиб келади, Гийом сарой хизматидан четлаштирилади, шу туфайли ўз замонидаги воқеа-ҳодисаларни анча ҳолислик билан ёритган.

Шундай қилиб, Гицим Тирскийнинг асари анча умумий аҳамиятга эга бўлиб, фақат XI асрнинг сўнгидаги салиб юриши тарихи учун манба бўлиб қолмасдан, салиб юришларининг юз йиллик давомидаги воқеаларини (1095 йилдан то 1184 йилгача) қамраб олади.

XII асрнинг иккинчи ярми XIII аср бу Ғарб ва Шарқ ўртасидаги товар алмашинувининг жадал ривожланиши вақти бўлд, бу ҳолат салибчилар юриши натижасида келиб чиққан қарама-қаршилик ва зиддиятларга қарамай юз берди. Савдо алоқаларини ўсиши саёҳатларга, денгиз ортидаги ерлар билан танишишга бўлган қизиқишни, эҳтиёжларни келтириб чиқарди. XIII асрдаги салиб юришларининг йирик тарихчиси Жак Витрийский ўзининг “Шарқ тарихи” асарида Шарқ мамлакатларининг ўсимлик ва ҳайвонот оламига жонли қизиқиш уйғотадиган даражада ёзиб қолдирган. Унинг асарида салиб юришларининг тарихига оид дастлабки қиссаларнинг муаллифларига ҳос бўлган қандайдир диний масалаларга бўлган ишора мавжуд эмас. Жак де Витри, ўзи томонидан Қуддус қироллиги тарихига оид тўпланган материални, географ, сиёсатчи ва этнолог нуқтаи назаридан келиб чиқиб тақдим этади. Уни салибчиларнинг қилмишлари нисбатан кам қизиқтиради, бироқ у ўзининг қиссасига мунтазам равишда, Қуддус қироллигининг табиий шароитлари ва хўжалик ҳаётини характерловчи статистик маълумотларни киритади. Унинг асарида салиб юришларининг дастлабки муаллифларига ҳос бўлган диний рухланиш умуман кўринмайди.

Мусулмон ва христиан Шарқнинг араб, арман, византиялик, яхудий ва бошқа ёзувчилари салиб юришлари, уларнинг сабаблари ва оқибатлари, салибчилар давлатлари тарихидаги айрим воқеалар тўғрисида кўплаб маълумотлар беради. Тўғри, лекин уларнинг ҳеч бири рицарларнинг бу истилочилик ҳаракатларининг бир-бирига боғлиқ, кетма-кетликдаги, тизимли тарихини ярата олмайди. Шарқ мамлакатларининг ёзувчилари салиб юришларининг у ёки бу воқеалари ва салибчилар давлатларининг ижтимоий ҳаётидаги тарихий фактлар, шунингдек улар билан араб, турк, арман давлатларининг ўзаро алоқалари ва муносабатлари масалаларини тўхтатишган, бунда улар шарқ тарихини, ўз халқлари тарихини ўзларини қизиқтирган даражада баён этишган.

Мазкур мавзунини кўтарган илк араб тарихчиларидан бири Ибн ал-Каланисий (1073-1160) бўлиб, у ўзининг “Дамашқ тарихи” асарида Биринчи салиб юриши тарихига оид воқеа ҳодисаларни, 974 йилдан 1160 йилга қадар бўлган даврни қамраб олади; 1097-1099 йиллардаги салиб юришларига бу жойда учта кичик боблар яъни, саккиз варақча яқин ажратилган бўлиб, бироқ бу салибчилар ҳаракатининг бошланғич тарихи уч муҳим манба ҳисобланади. Бошқа бир йирик араб тарихчиси, Миср султони Салоҳиддин Аюбийнинг салибчиларга қарши олиб борган юриш ҳаракатларининг қатнашчиси Ибн ал-Асир (1160-1233) ўзининг “Умумий тарихнинг тўла тўплами” деб номланган компиляция асарида салиб юришлари тўғрисида ҳам ёзиб “оламнинг яратилганидан” то 1231 йилга қадар мусулмон мамлакатларининг тақдирини ёритади. Шақрлик машҳур тарихчи Абул Фараж (ёки Бар Эбрай) (1226-1286) ўзининг “Сурия қиссаси” нинг учта бўлимида салиб юришлари воқеаларини эслатиб ўтади, қисса Сурияда XIII асрнинг охирига қадар ҳукмронлик қилган араб ва мўғул сулолалари ёритган. XII-XIII асрлардаги араб тарихчилари Камол ад-Дин (1192-1262), Бега ад-Дин (1145-1234) Имом ад-Дин (1125-1201) ва бошқаларнинг умум тарих ёки тарихий биографик асарларининг айрим бўлимларида салиб юришлари урушлари тарихидан маълумотлар келтирилган.

Айнан шу нарса салиб юришларига замондош арман, суриялик, шунингдек византия муаллифларининг асарларига ҳам тааллуқлидир.

Арман тарихчиларидан Эдессалик Матфей Биринчи салиб юришининг айрим воқеалари ҳақида батафсил маълумотлар ёзиб қолдирган. Бу тарихчининг ҳаётлик йиллари номаълум, у 1144 йилда Эдессани салжукийлар ҳукмдори Имом ад-Дин Зангий томонидан босиб олинганда ҳалок бўлган. Матфей Эдессалик “Хронография” (бир мамлакат тарихини хронологик тарзда баён этилиши) асарини муаллифи бўлиб, у 952 йилдан 1137 йилга қадар Сурия, Месопотамия ва Арманистон тарихини баён қилган. У ўз асарини 15 йил мобайнида ёзган, бунда ҳозирда тарих учун йўқотилган арман ҳужжатларидаги қисман

фойдаланган, қисман эса воқеа ҳодисаларни ўз кўзи билан кўриб шохид бўлган гувоҳларни маълумотларидан фойдаланган. У бу асарида Биринчи салиб юришининг бир қатор воқеа ҳодисаларини тасвирлаган; айниқса унинг 1098 йилда Эдессада салибчилар давлатининг ташкил топиши тўғрисидаги маълумотлари айниқса муҳимдир.

Яковитлар патриархи Михаил сурияликнинг (1126-1199) жаҳон хроникасини ҳам эслатиб ўтиш жоиздир. Бу асар йигирма битта китобдан иборат бўлиб лекин салиб юришлари тўғрисида фақат сўнги еттита китобда яъни ўн саккизинчи китобнинг еттинчи бобидан бошлаб маълумотлар ёритилади.

Ўзининг аҳамияти жиҳатидан XII-XIII асрлардаги византиялик тарихчиларнинг асарлари ўта муҳим ўрин тутади. Грек маликаси Анна Комнина (1083-1155) XI аср охиридаги Биринчи салиб юриши тарихининг айрим воқеаларига анча кўп ўрин ажратилди, Алексей I нинг подшолик қилган давр тарихига бағишлаб “Алексиада” асари ёзилди.⁹

Агар биз араб тарихчиларининг, салиб юришларини диний омилларга боғлаб изоҳлашини қидирсак бу маъносиз ҳисобланади. Тўғри, халеб шаҳрилик мактаб ўқитувчиси ва шоир ал-Азимий (1090-1161) ўзининг шахрига бағишланган “Қисқача қисса” нинг муаллифи, ўз қиссасида 1143-1144 йилларга қадар бўлиб ўтган салиб юришларига оид воқеаларни ҳам ёритиб, лотин хроникачилари сингари, XI асрда мусулмонлар томонидан Христиан зиёрат сафари қатнашчиларига нисбатан турли тўсиқлар қўлланилганини эслаб ўтади. Айнан ғарб хроникачиларининг фикрига кўра, христиан зиёратчиларининг Қуддусда мусулмонлар томонидан қувғин этилиши гўёки Ғарбда қаҳр-ғазаб келтириб чиқарган ва Биринчи салиб юришининг муҳим сабабларидан бири бўлди. Бироқ бу маълумот ишончли, ҳаққоний ахборот эмас, чунки ал-Азимий мазкур ҳолатда, хайнахой, ғарбликлардан олган маълумотни ўз қиссасида эслаб ўтган. Бошқа кўплаб араб тарихчилари эса ғарблик рицарларнинг Шарққа томон юришини сабабларини диний омилларга боғламасдан, юқори маънавий омиллардан келиб чиқиб ёритади.

Ибн ал-Асир ва XII-XIII асрлардаги мусулмон муаллифлари салиб юришларига ғоявий сабаблар сифатида қарашмайди.

Кўпчилик ҳолатларда, византиялик ва шарқлик тарихчилар, лотин хроникачиларига нисбатан салиб юришларининг воқеа-ҳодислари тўғрисида яхшироқ маълумот ва ахборотга эга бўлишган.

Салибчилар қўшинининг бир қисмини Антиохия шаҳрида мусулмонлар қўшини томонидан қамал қилинганида Антиохия ибодатхонасидан топилган “Муқаддас найза”

⁹ Заборов М. А. Крестоносцы на Востоке. – М.: Наука, 1980. с.98

салибчиларни қутқариб қолганлиги ҳақидаги илохий мўъжиза ҳақида ғарб хроникачилари баён этишган. Аслида эса бу ёлғондакам топилма ҳақида Ибн ал-Асир, араб тарихчиси бор ҳақиқатни баён этади. Унга кўра, Антиохия ибодатхонасининг монахи, ибодатхона ичига найзани ҳеч кимга билдирмасдан кўмиб қўйиб, салибчиларга уч кун рўза тутиб тўртинчи куни “Муқаддас найзани” қидиришларини айтиб, уларни ибодатхонага бошлаб киради, қамалдаги салибчилар ибодатхона хоналарини кавлаб табиийки яшириб қўйилган найзани топишади ва шу туфайли салибчилар қамалдан омон-эсон чиқиб, мусулмонларни шаҳарни қамал қилган қўшинини енгиб чиққанликларини ғарб, рухонийлари баён этганликларини ёзган. Лекин 1098 йилни июнида Антиохия учун бўлиб ўтган курашни тубдан ўзгаришини асл сабаблари, Антиохияни қамал қилган мосул атабеги Корбогани бошқа турк-араб ишгирикчилари билан келиб чиққан низо-нифоқ туфайли, шаҳарни қамал қилган мусулмонлар қўшини, хусусан Дамашқ амири Дукакни Кербоба билан келиша олмасдан бошқа амирлар билан қамални ташлаб кетишади, натижада оз сонли Мосул қўшини салибчиларга бас кела олмасдан қамални ташлаб кетишга мажбур бўлади.

Шундай қилиб, араб тарихчилари ғарблик муаллифларга умуман номаълум бўлган ҳақиқий ҳолатларни, салибчилар қўшини томонидан Антиохис қалъаси қамалини ёриб чиқиб, ғалаба қозониши сабабларини очиб беришади, буларга салжукий қўмондонларнинг ўзаро адоватлари кириб, Мосул амирлигини бошқа мусулмон амирликлари билан душманлигида акс этган.

Салиб юришларининг айрим фактларини акс этишини ишончлилигини даражасини аниқлашга уринишда ўша даврга оид адабиётларни бир-бирига таққослаш ўта ибратли ва муҳимдир: жуда кўп ҳолатларда улар шарқлик турихчиларнинг асарларини афзал кўриш имконини беради.¹⁰

Араб, сурия, грек муаллифларининг асарларини лотин муаллифлари билан таққослагандаги устунлигини биз айрим факт ва воқеалардан озми ёки кўпми кўринишдаги сюжетларни таъкидлашга тўғри келади. Масалан, салибчилар давлатларида шакланган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни англашга ҳаракат қилган тарихчи ва бунда Фульхерий Шартрский ёки Альберт Аахенскийнинг, Гийом Тирский ёки Жак Витрийскийларнинг қиссаларидаги мавжуд маълумотлардан фойдаланишга уринганида уларнинг қиссаларидаги биринчи қарашда ҳайрон қолдирадиган хусусиятига тўқнашади. Бу хроникаларнинг муаллифлари ҳарбий-сиёсий, дипломатик, чрков, матримониал соҳалари бўйича Қуддус киролигининг тарихи воқеа—ходисаларига жуда кўп жой

¹⁰ Заборов М.А. “История крестовых походов. В документах и материалах”. М.; 1977.с.197

ажратиб, улар Қуддус давлатининг кундалик иқтисодий ҳаёти ва ижтимоий тузумини характерловчи кўринишларни жуда оз даражада ёритишади.

Бу масалада биз аҳён-аҳёнда озгина маълумотларни учратамиз. Фульхерий Шартрскийни 1125 йилда ёзишича, сарацинларнинг (сарацин-Арабистонда яшаган қадимги кўчманси халқ) деҳқонлари Бейрут ва Сайда районларида маҳаллий сеньор Готье I га жон бошидан олинадиган солиқни тўлашдан бош тортишганда Готье I зўрлик ишлатиб уларни бўйсундирган ёки ўзларининг Ғарблик хўжайинларини ёмон кўриб, нафрат билан қараган қишлоқ аҳолиси Қуддус қироллигининг ташқи уруш ҳаракатлари олиб борганларида қўллаб-қувватлаган. Масалан, Фульхрий Шартрский ва Гейм Тирскийларнинг кўрсатиб ўтишича, 1113 йилда салибчиларни Син ал-Набра ёнидаги жангда мисрликлардан мағлубиятга учраганларида Самарналик деҳқонлар Набулус шаҳрини вайрон қилишган яъни маҳаллий аҳоли турк ва арабларнинг муваффақиятларидан фойдаланиб, ўзларининг маҳаллий сеньорларига ҳар томонлама зрар етказишган. Жак де Витрининг таъкидлашича, бу феодалларнинг душманининг қароргоҳига маҳаллий аҳоли ҳарбий сирларга тегишли маълумотларни етказиб беришган.

Аммо лотин хроникачилари бошқа мавзуларни: ҳарбий жасоратлар, сеньор ва епископларни яхши ҳулқ-атворлари, урушлар ва шартномалар, қироллар ва графларнинг саройларидаги оилавий воқеаларни ёритишган. Бироқ айрим хроникалардан салибчилар ташкил этган давлатларда ҳукм сурган кескин ижтимоий вазият ҳақида билиб оламиз. Масалан, Гийом Тирский, сурияликлар салибчилар учун ўлат касалидан ҳам ҳатарлироқ эканлигини ёзиб қолдирган.

Яқин шарқ мамлакатларининг туб аҳолиси учун салиб юришларининг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларининг очиб берган фактларни, араб, суриялик, грек ва бошқа шарқлик муаллифлар анча батафсил ва атрофлича баён этишган. Тўғриси айтганда, уларни ўз ўқувчисидан яширадиган ҳеч нарсаси йўқ. Кузатувчанлик ва ҳақиқий ҳолатни билиш жиҳатидан улар лотин йилномачиларидан қолишмаганлар, баъзи вақтларда эса улардан ўтиб кетишган. Салибчиларга бўлган муносабат бу ёзувчиларнинг тарихий қарашларини анча ўткирлаштирган, уларга салибчилар давлати ёки қайд этишни ҳоҳламаган томонларини очиб берган.

Ҳақиқатда, биз XII аср сўнггида яшаган араб сайёҳи ибн Жубайранинг асарида, маҳаллий қишлоқ аҳолиси янги хўжайинлари, ғарблик сеньорларга тўлашлари лозим бўлган оғир солиқлар ҳақида, буғдой ҳосилини учдан бир қисмидан ҳосилнинг яримигача тўлаганини, жами узум ҳосилини ҳам яримини тўлаганини, жон солиғини миқдори бир динор ва беш қарат бўлганини билиб оламиз. Ибн жубайранинг баён этишига кўра,

салибчилар томонидан эгалланган Сурия соҳилларидаги кишлоқ жойларда яшовчи аҳолининг барчаси ҳамма жойда янги хўжайинларига, яъни салибчи рицарларга солиқлар тўлашганлигини ёзиб қолдирган.

Салибчилар давлатларидаги ижтимоий муносабатлар ва тўқнашув ҳамда зиддиятларни тарихи бўйича Усама ибн Мункизнинг (1095-1188) “Ўғитлар китоби”дан кўплаб маълумотлар оламиз. Бу тарихчи воқеа ва ходисаларга бой узоқ умр қўрган. Сурия ва Миср хукмдорларининг саройларида муҳим лавозимларда ишлаган, кўп саёҳат қилган, ўз даврининг муҳим ишлари – элчихоналар ва урушларда бевосита иштирок этиб, салибчилар давлати ва мусулмон Шарқидаги кундалик ҳаётни зийраклик билан кузатади. Бундан ташқари у салибчилар билан яқиндан мулоқотда бўлган. Сурия ва Фаластинда салибчилар ҳукмронлик қилган даврнинг ижтимоий тарихига доир ҳеч бир асарда бунчалик аниқ ва ишончли, ҳамда тўлиқ маълумотларни камдан кам учратиш мумкин. Усма ибн Мункизнинг бу асраида Қуддус қиролиги ва салибчиларнинг бошқа давлатларида мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий тартиблар, аҳолининг турли табақаларини жамиятда тутган ўрни ва ўзаро муносабатлари тўғрисида қимматли маълумотларни учратамиз. Шундай қилиб XII-XIII асрлардаги Византиялик ва Шарқлик тарихчиларнинг асарлари, кўпинча тўла, аниқ ва ҳақиқатни ёритган бўлиб, католик хроникачиларга хос бўлган салибчиларни тарихини панегиристик, яъни хаддан ташқари мақтаб, қўқларга қўтариб ёзишдан холи бўлиб муҳим қўшимча манба сифатида воқеа-ходисаларни бир томонлама ёритишдан йироқдир.

Ўз навбатида Биринчи салиб юришига (1096-1099) доир қиссалар ва ҳикоялар ҳамда ҳужжатларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

IX. Клермон йиғилиши (Собори) ва Урбан II томонидан салиб юришини эълон қилиниши масаласини ёритишда Шартрлик Фулхерийнинг “Қуддус тарихи” (Қуддусга ҳаж сафарини амалга оширган Франкларнинг қилмишлари) хроникаси ва Реймслик Робертнинг “Қуддус тарихи” хроникаси манба бўлиб ҳисобланади.

X. Салиб юришларининг сабаблари Пётр Пустынникнинг ваъзи, камбағалларнинг юриши, масалаларини ёритишда аббат Гвиберт Ножанскийни “Франклар орқали яратганнинг қилмиши деб номланган тарих” хроникаси, Аахенлик Альбертнинг “Қуддус тарихи” хроникаси, Анна Комнинанинг “Алексиада” асари, Ибн ал-Асирни “Умумий тарихнинг тўла тўплами” асарлари манба ҳисобланади.

- XI. Салибчи рицарларнинг Византия пойтахтида бўлиши масаласи бўйича Анна Комнинанинг “Алексиада” ва Эдессалик Матфейнинг “Хронография” асарлари тарихий манба сифатида қаралади.
- XII. Салибчиларнинг Кичик Осиёга кириши ва Никейнинг эгалланиши масаласи Блуасс ва Шартр графи Стефаннинг турмуш ўртоғи Аделига Никей остонасидан ёзган хати, Анна Комнинанинг “Алексиада” асари ва Эдессалик Матфейнинг “Хронография” асари орқали ўрганилади.
- XIII. Салибчиларнинг Эдессада мустаҳкам ўрнашиб қолиш масаласи Эдессалик Матфейнинг “Хронография” асари ва Аахенлик Альбертнинг “Қуддус тарихи” хроникасида баён этилади.
- XIV. 1098 йил 3-28 ибн кунлари салибчилар томонидан Антиохияни босиб олинишига бағишланган манбаларнинг сони анча кўп бўлиб, буларнинг қаторига Анжулик Раймунднинг “Қуддусни эгаллаган франклар тарихи ” хроникаси, муаллифи номаълум “Франклар ва бошқа қуддусликларнинг қилмиши ” деб номланган итальян-норман хроникаси, салибчиларни йўлбошчиларини папа Урбан II га 1098 йил 11-сентябрдаги мактуби, Ибн ал-Каланисийни “Дамашқ тарихи”, Ибн ал-Асирни “Умумий тарихни тўла тўплами”, Эдессалик Матфейнинг “Хронография”, Анна Комнина “Алексиада” сани киритиш мумкин.
- XV. Ал-Мааррани қамал қилиниши ва эгалланиши ҳамда салибчиларнинг бебошликлари хусусида муаллифи ноъмалум “Франклар ва бошқа қуддусликларнинг қилмиши ” деб номланган итальян-норман хроникаси, Анжулик Раймонднинг “Қуддусни эгаллаган франклар тарихи” хроникаси Ибн ал-Каланисийни “Дамашқ тарихи” ва Ибн ал-Асирни “Умумий тарихни тўла тўплами” хроникаларидан билиб оламиз.
- XVI. Қуддусни салибчилар томонидан босиб олиниши (1099 йил 15-июл) масаласи муаллифи номаълум “Франклар ва бошқа қуддусликларнинг қилмиши ” деб номланган итальян-норман хроникаси, Анжулик Раймонднинг “Қуддусни эгаллаган франклар тарихи” хроникаси Канлик Раулнинг “Танкреднинг қилмиши” деб номланган хроникаси, Шартрлик Фульхейрининг “Қуддус тарихи” хроникаси, Ибн ал-Каланисийни “Дамашқ тарихи” қиссасида батафсил баён этилган.
- XVII. Қуддус қироллиги тарихига оид маълумотларни хусусан салибчилар давлатларидаги ижтимоий тартиблар, Сурия ва Фаластиндаги мусулмон

аҳолини босқинчиларга муносабати масалалари Усама ибн Мунқизнинг “Ўғитлар китоби” да баён этилган.

Биз айрим манбаларни кўриб чиқиб, ҳар бир муаллифнинг салиб юришлари тарихига доир маълум бир воқеа-ходисаларни турли нуқтаи назардан ёритганини билиб оламиз.

Шартрлик Фульхерийнинг “Қуддус тарихи” қиссасида биринчи салиб юришига оид маълумотларни айрим лавҳаларини, масалан, Клермон Соборида рим папаси Урбан II томонидан салиб юришларини бошлашга даъват этилиши, салиб юришлари даврида Византиянинг Кичик Осиёдаги ҳудудларини Романия деб аталганини. Клермон Соборига уч юз ўн нафар епископлар ва аббатлар ташриф буюришгани ёзилган. Бу қиссада Босфор бўғозини ўрта асрларда, бўғознинг қирғоқ соҳилида Авлиё Георгий ибодатхонаси жойлашгани сабабли, Георгий бўғози деб аташганини билиб оламиз.

Реймслик Робертнинг “Қуддус тарихи” қиссасида Франциянинг Оверн графлигида жойлашган Клермон Собори 1095 йил 18-25 ноябр кунлари мажлис ўтказгани, Соборнинг расмий қисми ёпилганидан сўнг рим папаси Урбан II 26 ноябр куни нутқ сўзлаганини маълум қилади. Бу Соборда римлик кардиналлар ва епископлар ҳам қатнашганлар. Урбан II ўз нутқида Исо пайғамбарнинг қабри жойлашган Қуддусда дахрийлар христианларнинг ерларига бостириб кириб, уларнинг уй-жойларини бузиб, ўт қўйиб хонавайрон қилганликлари, христианларни эса бола-чақалари билан қулликга ҳайдаб олиб кетишганини маълум қилган. Дахрийлар черковлардаги жиҳозларни синдириб, улоқтириб ўт қўйишган, ёки ўзларини урф-одатларини амалга оширадиган жойларга айлантиришган. Христиан аҳолини тирик қолганларини қорнини ёриб ичак-човоқларин ағдаришган ёки уларни танасидаги аъзоларини кесиб ташлашган. Бу асрла шунингдек Византия империяси Грек подшолиги деб аталган. Византияга тегишли катта ҳудудларни турк-салжуклар босиб олганликлари ҳақида, Қуддусдаги Исо пайғамбар қабрини булғатаётганлигини, иккинчи жаннат хисобланган Қуддус ерларини дахрийлардан озод қилиш зарурлигини рим папаси талаб қилганини таъкидлайди. Папа ўзига тўқ бой кишиларни Қуддусни озод қилиш учун салибчиликга отланган камбағалларга Қуддусга бориш учун ёрдам беришга чакиради. Рухонийлар эса, Қуддусни озод этиш учун ташкил этиладиган юришга ўз епископларини рухсати билан қатнашишлари мумкинлиги таъкидланган. Бу юриш қатнашчилари бошқалардан ажралиб туришлари учун папа устиларидаги кийимларни олди ва орқа томонларига салиб, яъни крестни белгисини тикиб олишларини таъкидлаган.

Салиб юришларининг сабаблари тўғрисида Пётр Дарвишнинг ваъз насихати ва деҳқонлар, яъни камбағаллар юриши тўғрисида Ножан аббати Гвибернинг “Фанклар

тарихи” деб номланган қиссасидан билиб оламиз. 1095 йил ноябр ойида, яъни Авлиё Мартин байрами нишонланган 11 ноябр кунидан саккиз кун ўтгач Клермон Собори чақирилган, Собор ўз ишини якунлагач, рухонийлар ва деҳқонлардан ташқари графлар ва рицарлар қатнашган йиғилишда папа Урбан II нутқ сўзлаб салиб юришига даъват қилганини одамлар бу юришга ҳатто бола-чақаларини ҳам бирга олиб кетганлигини, ҳатто қизлар ва кексалар ҳам бу юришга отланганликлари, от-улови йўқлар эса араваларга новвосларни қўшгани, йўлда кетаётиб узоқ йўл босиб чарчаганликлар учун учраган ҳар бир қалъа ёки қасрни ёхуд шаҳарни қўриб бу жой Қуддус шаҳри эмасми деб сўраб суриштирганликлари ҳақида ёзади. Бу қиссада шунингдек, Шимолий Франциянинг Амьен шаҳридан бўлган Пётр Дарвиш деган одам камбағал халқни салиб юришида қатнашишга даъват этгани, у ўзига инъом ва тухфа этилган нарса-буюмларни камбағалларга улашиб бўлиб берганлиги, ўзи эса юнгдан тўқилган оддий узун қўйлак кийиб юрган, у нонни кам истеъмол қилиб, асосан балиқ ва винодан тановвул қилгани ҳақида ёзган.

Аахенлик Альбертнинг “Қуддус тарихи” қиссасида ва Анна Комнинанинг “Алексиада” асарида салиб юришларининг даъватчиси ва сабабчиси Пётр Дарвиш эканлиги таъкидланади, лекин Клермон Собори тўғрисида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Анна Комнина ўз асарида Пётр Дарвишга Кукупётр деб лақаб қўйган. Ғарбий европаликлар салибчиларни кельтлар деб номлайди.¹¹

Биринчи салиб юришининг биринчи босқичида асосан деҳқонлар оммаси ишгирок этган, рицарлар эса жуда озчиликни ташкил этган, Анна Комнина ўз асарида Қуддус шаҳрини агарликлар қўлидан озод этишни Пётр Дарвиш ташкил этганига ишора қилади. Муаллиф агарликлар деб турклар ва арабларни атайди. Ўрта асрларда кенг тарқалган бу ном Тавротдаги патриарх Авраамнинг мисрлик канизаги Агари тўғрисидаги афсонадан келиб чиққан бўлиб уларни ўрталарида Исмоил исмли фарзанд дунёга келиб араблар ва туркларни Исмоилнинг авлодлари деб ҳисоблашган.

¹¹ Анна Комнина. Алексиада.- М.: Наука, 1985.

III-БОБ.

Тўртинчи салиб юриши ва Константинополни эгалланишини манбаларда ёритилиши

Тўртинчи салиб юриши ва Византиянинг истило этилиши тўғрисида шунини айтиш мумкинки, XIII асрнинг бошларида папа Иннокентий III Европани янги Салиб юришига даъват этди. Бу тўртинчи салиб юриши эди (1202-1204). Тўртинчи салиб юриши ўзига хос юриш бўлиб, у бошқа салиб юришларига номи жихатдангина алоқадар бўлса-да, лекин у бутун салибчилик ҳаракатининг босқинчилик моҳиятини рўйи-рост очиб берган юриш бўлди. Тўртинчи юриш қатнашчилари хатто Фаластингача ҳам етиб бора олмадилар. Салибчилар бу сафар туркларга ёки бошқа мусулмонларга қарши юриш қилмай, балки христианлар Византиясига юриш қилдилар. Тўртинчи юриш тарихида венецияликлар айниқса катта роль ўйнадилар, улар юриш маршрутининг ўзини ҳам ўзгартириб юбордилар. Салибчиларнинг феодал раҳбарлари дастлаб Туркия-Миср султониغا қарашли Мисрга юриш қилиши мўлжаллаган эдилар. Миср билан фойдали савдо-сотиқ олиб борган, Лекин Византияни кучсизлантиришдан манфаатдор бўлган Венеция, салибчиларни дастлабки ниятларидан қайтариб, ўзининг савдо рақиби ва конкуренти Константинопол устига юриш қилишга йўллади. Ангелларнинг янги Византия сулоласи ичидаги алғов-далғовлардан фойдаланган (Комнинлардан кейин 1185 йилдан идора қила бошлаган эди) салибчилар 1204 йилда Константинополни босиб олиб, Болқон ярим оролининг жанубий қисмида Латин империяси деган янги давлат барпо этдилар. Қуддус қироллиги сингари, бу давлат ҳам типик феодал давлат эди. Шимолий француз феодаллари, Фландрия графлари Балдуин империяга бошлиқ қилиб қўйилди. Империя таркибига бир нечта йирик васаллик мулклари: Фессалоника қироллиги, Афина герцоглиги, Ахейя князлиги ва бошқалар бор эди.

Византиядан кўп миқдорда ер-мулкларни Константинополнинг бир қисмини, Галлиполь шаҳрини, Эгей денгизидagi баъзи ороллари, Ионин ороллари, Крит оролини, Пелопоннеснинг жанубий ғарбий қисмини Венеция олди. Византияни истило этишда энг катта рол ўйнаган Венеция дожи Энрико Дандоло «Ромея (Византия) империясининг саккиздан уч қисмининг ҳокими деган расмий ном олди».

«Лотин», яъни Ғарбий Европа феодаллари Византиянинг маҳаллий аҳолисини аёвсиз таладилар ва эксплуатация қилдилар. Венеция Константинополда, Болқон ярим оролида ва Ўрта денгиз Шарқий қисмининг кўпгина оролларидаги бутун савдо-сотиқ ишларини ўз қўлларига киритиб олди. Аммо Византиянинг баъзи мулклари уз

мустақиллигини сақлаб Кичик Осиёнинг ғарбий соҳилида савдо-сотиқ ишларида муҳим ўрин тутган грекларнинг Никея империяси бу мулклар орасида энг кучлиси ҳисобланарди. Кичик Осиё шимолидаги империянинг бир қисми Трапезунд мустақил бўлиб қолаверди. Балқон ярим оролида Эпир мустабидлиги (князлиги), Лотин империяси назаридан ташқарида қолди.

Византиянинг истило этилмаган учта территориясидаги энг йирик Никея империясининг императори Михаил VIII Палеолог латинлар зулми остида яшаган грекларнинг хайрихоҳлигига таяниб, 1261 йилда Константинополни босиб олди ва у ердан европалик феодалларни ҳайдаб юборди. Византия империяси ана шу тариқа қайтадан тикланди. Лекин қайтадан тикланган Византия энди кучсизланиб қолган давлат эди. Тўртинчи салиб юриши буюк давлат бўлган Византияни йўқ қилди. Византия қайта тиклангандан кейин унинг Болқон ярим оролидаги ва Кичик Осиёнинг камбар қисмидаги мулкларининг анча-мунчаси чекланиб қолган эди. Тўртинчи салиб юриши бошланишидан бурунроқ, Византияга қарам ҳолда яшаган болгарлар 1186— 1187 йилларда унинг зулмидан халос бўлган эдилар. Сербия мулклари ҳам таҳинан шу вақтларда Византиядан ажралиб чиққан эди.

Черковнинг қаршилигига қарамасдан маориф соҳасида муваффақиятларга эришилди, черковларга таълуқли бўлмаган шаҳарлар кенг тарқалди, булар шаҳар аҳолисининг эҳтиёжларига жавоб берар эди. Аниқ ва табиий фанларнинг бошланғич куртаклари юзага келди. Рим ҳуқуқини ўрганиш қайтадан вужудга келди: немис аббати Вибальд Корвэйский, унинг монастрини монахларини юриспруденциядан чалғитишни ва чин христиан машғулотларга қайтаришни иложи йўқлигидан нолиб гапирган. Мъморчилик, рассомлик, хайкалтарошлик, ўймакорликка нисбатан қизиқиш ошди.¹²

XII-XIII асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий-тарихий ҳаётнинг барча бу омиллари, ижтимоий ҳаётнинг янги белгиларини шакллантириб тарихшуносликда ҳам ўз аксини топди. Салиб юришлари воқеа-ҳодисаларини, унинг иштирокчиларини жасорати ёки кўрқоқлигини, содиқлиги ёки сотқинлигини, ташаббускорлиги ёки ҳаракатсизлиги, ҳарбий санъати ёки жасоратини баён этишди илоҳийликка эмас, балки дунёвийликка эътибор қаратилди, булар салиб юришларини хронологиясини характерлайдиган янги кўриниш бўлиб, олдинги ўринга унинг сиёсий, истилочилик, савдо сабаблари илгари сурилди.

¹² Виппер Р.Ю. История средних веков. Курс лекций. Санкт-Петербург. 2001.с.385

Француз-итальян рицарлари томонидан Константинополни босиб олинishiга ва лотин империясини ташкил топишига олиб келган, Тўртинчи салиб юриши, кўплаб мемуарлар ва хроникаларда ёритилади. Буларнинг энг мазмунли ишончлиси бу юришнинг қатнашчилари бўлган икки нафар феодалга ва бир нафар бу рухонийга тегишли бўлиб, рухоний юриш қатнашчисини сўзидан ёзиб олинган. Биз бу ерда салибчиларнинг кўзга кўринган йўлбошчиси Шампаннинг маршали Жоффрау Виллардуэннинг (1150-1213) “Константинополни эгалланиши” асарини назарда тутамиз. Муаллиф 1201 йилдан бошлаб мунтазам равишда кундалик ёзувларини юритиб унинг асосида 1207 йилдан бошлаб ҳаётининг сўнгги йилларида айтиб бериб туриб ёздирган француз тилидаги асар ҳисобланади. Яна бир француз тилида ёзилган асар амьенлик рицар Роберде Клариинг (1170-1216) мемуари бўлиб, бу асар “Константинополни эгаллаганлар тўғрисида” ёки “Константинополни эгалланиши” деб номланади. Бу асар, муаллифни 1205 йилда Адрианопол ёнидаги жангдан кейин ватанига қайтиб келганидан сўнг кўп йиллар мобайнида ёзилган бўлиб, 1216 йилгача бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни қамраб олади, шу вақтдан бошлаб мемуар узилиб қолади ва шу билан бирга Роберде Клари тўғрисидаги маълумотлар ҳам йўқ бўлиб қолган. Ибодатхоначи муаллифни масаласига келсак, бу шахс эльзаслик монах Гунтер бўлиб, у Пэрис монастирида 1207-1208 йилларда “Константинопол тарихи” ни. Константинополдан қайтиб келган пэпислик аббат Мартиннинг сўзидан ёзиб олган.

Бундан ташқари, Тўртинчи салиб юриши воқеа-ҳодисалари тўғрисида анча қисқа-қисқа тарзда бошқа ғарблик ўз кўзи билан кўрган гувоҳлар ва замондошлар, аввало ибодатхона аҳиллари ҳикоя қилишларидан ташқари, улар константинополни талон-тарож қилиш натижасида жуда кўп бойлик тўплашган. Гамберштадтлик исми номаълум немис монахининг “Грецияга хаж сафари” деб номланган хроникаси шу вақтда вужудга келиб, салиб юришида қатнашган Гальбштадтнинг епископи Конрадфон олинган парчаларга асосланиб ёзилган; “Константинополни вайрон қилиниши” хроникасининг муаллифи ҳам номаълум бўлиб, айрим маълумотларга кўра салиб юришининг асосий ташкилотчиларидан бири Бонифаций монферратскийнинг доирасига Мансубдир. “Лотинлар томонидан Константинополни эгалланиши ва талон-тарож қилиниши” деб номланган бу қисқача қисса епископ Рицар Амьенский (1211 йилда вафот этган) томонидан унинг канониги Валоннинг ҳикоясидан ёзиб олинган бўлиб, Валон салиби юришидан қайтишда диний нуқтаи назардан муқаддас саналадиган нарсаларни ўз қадрдон шахрига олиб келган; 1204 йилда Суассон ибодатхонасига шахси номаълум рухоний томонидан Константинополдан олиб келинган табаррук ёдгорликларни рўйхатини тузган. Маршал Шампанский тажрибали саркарда,

қобилиятли давлат арбоби, мохир дипломат, ўзининг католик сифатида амалга оширган ишига ишонган. Рицар Робер де Клари ҳам христианларнинг шаҳарлари Задар ва Константинополга қарши салиб юриши қандай амалга оширилганлигини батафсил баён этишга ҳаракат қилади. Виллардуэнинг ёзишича йигирма минг кишилик салибчилар қўшини Константинополдек тўрт юз минг кишилик аҳолиси бор улкан шаҳарни босиб олган. Бундай тасаввурлар черков ёзувчиларининг асарларидан ҳам ўтиб кетади. Ва шунга қарамасдан уларнинг ёзувлари салиб юришига оид мавзуга доир лотин тарихшунослигига тарихни реалистик тушиниш учун ўзини улушини киритган.

XIII асрдаги мемуарлар ва хроникаларда салиб юришларига оид воқеа ҳодисалар диний нуқтаи назардан эмас балки дунёвий нуқтаи назардан ёритилади.

Тўртинчи салиб юришига оид бир қатор мемуарлар лотин тилида эмас, балки француз халқ тилида, Робер де Клариинг эсдаликлари эса ҳатто маҳаллий шевада ёзилган.

Робер де Клари савотсиз бўлгани туфайли ўзи ёза олмаган, балки ўз эсдалик, хотираларини ҳикоя қилиб, айтиб бериб туриб ёздирган.

Бироқ, шуни назарда тутиш лозимки, хроникалар муаллифларининг қисса ва ҳикояларини ишончлилиги ва ҳолислилиги даражаси доим ҳам бир хил бўлмаган: у ҳолат ҳам бу ҳолат ҳам субъектив тартибдаги омиллардан ташқари аввало, хроникаларда баён этилаётган муайян мазмун ва кўринишларнинг характериға боғлиқ бўлган.

Таниқли византиялик тарихчи Никита Хионит (XII аср ўрталари-1213) Византия тарихи бўйича улкан асарида Тўртинчи салиб юришиға бағишлаб кўплаб сатрларни ажратди.¹³

Шарқий ва византия ёзма ёдгорликлари лотин хроникалари билан таққослаганда, улар томонидан салиб юришлари урушларини тасвирлашда маълум бир фарқ борлигини кўрмаслик мумкин эмас. Баён этилаётган фактларға танқидий муносабатда бўлиш даражаси, уларни чуқур англаш ва баҳолаш, ғарбий европалик черков рухонийларини ва рицарларни хроникаларида анча паст бўлган. Араб, арман, грек ёзувчилари, сиёсий ва черков арбоблари, саёхатчилар ва гувоҳлар. Европалик феодал босқинчилар яъни салибчи рицарларни Кичик Осиё, Сурия ва фаластинга бостириб киришлари ва давлатларини тузишлари масалаларига анча даражада танқидий назар билан қарашган.

Шарқлик ва Византиялик кузатувчилар салибчи рицарларнинг босқинчилик ҳаракатларини баҳолашда нисбатан катта ҳаққонийлик билан тасвирлашға интилишган. Улар баъзан лотин хроникачиларига нисбатан, ғарблик талончиларни босиб олинган

¹³ Всемирная история в 10 томах. Том-3. – М; 1987.с.259

жойлардаги ҳаракатларини тасвирлашда ҳаққонийлик қилишганю салибчиларни ўз рақиблири билан ҳарбий ва дипломатик курашларини, босқинчиларни маҳаллий аҳоли билан ўзаро муносабатларини, салибчилик ҳаракатини бошқа томонларини аниқ ва тўғри тасвирлашган. Булар шу билан изоҳланадики, шарқлик ёзувчилар бу масалага тўғридан тўғри бурчакдан қарашган: уларнинг баъзилари салибчиларга нисбатан энг яхши ҳолда ишончсизлик билан қарашган, бошқалари эса душманлик кайфиятда бўлишган. Буларнинг муаллифлари араб, арман, византия дунёси ижтимоий-сиёсий гуруҳларининг вакиллари сифатида, ёки Шарқнинг манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб воқеа-ҳодисаларни ёритишган. Бундан ташқари, шарқлик тарихчиларнинг айнан битта воқеа тўғрисидаги маълумотлари ўзининг ҳаққонийлиги ва ёритилиш характери жиҳатдан турлича бўлган. Шунга қарамасдан араб, арман, грек ва бошқа шарқлик тарихчилар, салиб юришлари тарихини ёритишда эътиборсиз ёки атайлаб ёритмасдан қолдирган айрим воқеа-ҳодисаларни батафсил, майда-чуйда тавсилотларигача тасвирлашган.

Тўтинчи салиб юриши ва Константинополни эгалланиши (1199-1204) га таалуқли манбалар ҳам турли масалаларни қамраб олади.

Францияда Тўтинчи салиб юришини бошланиши ва салибчиларнинг Венеция билан муносабатлари масалалари Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” деб номланган мемуарида Робер де Кларининг “Константинополни эгалланиши” деб номланган хотира ёзувларида ҳамда салиб юришлари йўлбошчиларининг муқаддас ерга ўтказиб қўйиш тўғрисида Венеция билан 1201 йил апрелда тузган шартномасида акс этган.

Тўтинчи салиб юришини герман ерларида бошланиши масаласи эса Гунтер Пэрисскийнинг “Константинополни эгалланиши тарихи” хотира ёзувда баён этилган.

Салибчиларнинг Венецияга келиши Задарни босиб олиниши ва папаликнинг тутган сиёсати масалалари эса Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” деб номланган мемуарида Робер де Кларининг шу номдаги хотира ёзувида Гунтер Пэрисскийнинг “Константинополни эгалланиши тарихи” хроникасида Гальбертшгаутлик муаллифи ноъмалум кишининг “Трецияга ҳаж сафари ва у жойдан келтирилган эсдаликлар” деб номланган хроникасида ёритилган.

Салибчилар ва герман-византия дипломтия масалалари Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” мемуарида ва Никита Хониатнинг “Тарих” асарида акс этган.

Константинополга томон юриш режалари ва папа Иннокентий III нинг сиёсати масалалари эса Гунтер Пэрисскийнинг “Константинополни эгалланиши тарихи”

хроникасида ва Гальбертштаутлик муаллифи ноъмалум кишининг “Грецияга хаж сафари ва у жойдан келтирилган эсдаликлар” деб номланган хроникасида баён этилган.

Салиб юришини Константинопол томонга буриб юборилиши, Византия пойтахти томон йўл салибчилар қўшинидаги ўзаро низо ва нифоқлар масалалари Робер де Кларининг “Константинополни эгалланиши” хроникасида ва Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” деб номланган мемуарида акс этган.

1203 йилда салибчилар томонидан Константинополни босиб олиниши масаласи Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” деб номланган мемуарида, Робер де Кларининг “Константинополни эгалланиши” эсдаликларида, Гунтер Пэрисскийнинг “Константинополни эгалланиши тарихи” хроникасида, Суассонлик номаълум шахснинг-муаллифнинг “Қуддус ери ҳақида ва Константинопол шахридан ёдгорликларни қандай келтирилгани тўғрисида” деб номланган хроникаси ҳамда салиб юришларини қатнашчиси бўлган шахси номаълум рицарнинг мактуби орқали ўрганилади.

1203 йилда салибчиларни Константинополда бўлишлари масаласини Никита Хониатнинг “Тарих” асаридан Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” деб номланган мемуаридан ва Робер де Кларининг “Константинополни эгалланиши” хотирасидан билиб оламиз.

Византияга қарши иккинчи урушнинг сабаблари ва империянинг тақсимланиши ҳақидаги шартнома масалалари Гунтер Пэрисскийнинг “Константинополни эгалланиши тарихи” хроникасидан ва Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” мемуари орқали ўрганилади.

1204 йилнинг апрелида салибчилар томонидан Византия пойтахтини босиб олиниши ва талон тарож қилиниши масалалари Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” мемуари, Робер де Кларининг “Константинополни эгалланиши” эсдаликлари, Гунтер Пэрисскийнинг “Константинополни эгалланиши тарихи” деб номланган хроникаси ва Никита Хониатнинг “Тарих” асари орқали ўрганилади.

Жоффрау Виллардуэннинг “Константинополни эгалланиши” мемуарида тўртинчи салиб юришига даъват ишлари Францияда бошланганлиги, бу юришни рим папаси Инокентий III, Франция қироли Филипп II Август ва Англия қироли Ричард I Шерюрак уюштирганликлари ёзади. Муаллиф шунингдек, салибчиларни Венеция Дожи Энрико Дандоло билан учрашганликлари, у салибчилар раҳбарлари билан музокаралар олиб бориб юк ташувчи кемаларда салибчиларнинг 4500 та отларини ва 9000 та қуролдорларини, кемаларда эса 4500 нафар рицарларни ва 20000 та пиёда аскарларни ташиб беришга рози бўлади. Энрико Дандоло ўзининг таклифи салибчилар томонидан қабул қилинса улар яна

9 ойга мулжалланган озиқ-овқат ва ем-хашаклар билан таъминланишини, шунингдек бундан ташқари ҳар бир от учун тўрт марка ва ҳар бир одам учун икки маркадан тўлашини ҳам билдирган, ва бу ишлар учун сарфланадиган ҳаражатларини миқдори 94000 маркани ташкил этиши маълум бўлди.

ХУЛОСА

Президентимиз ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида шундай ёзади:” Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафжуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда”¹⁴.

Мазкур битирув малакавий ишида салиб юришлари тарихи бўйича асосий манбалар тўғрисидаги маълумотлар қисқача баён этилади. Бу манбаларни туркумларга ажратилади ва лотин хроникаларини ғоявий мазмуни таҳлил қилинади, шу билан бирга бу жойга араб, арман, грек ва рус солномалари ва ғарблик рицарларни Шарқдаги салиб юришлари ҳақидаги бошқа қисса ва ҳикояларни таърифланади. Шунингдек, воқеаларни хронологик тартибда ўзиб борилган хроникалар, кундаликлар ва хатлар салиб юришлари қатнашчиларининг ва замондошларининг йўл хотиралари ҳамда (**мемуарлар**-эсдаликлар, **ёдномалар**-муаллифнинг ўз кўзи билан кўрган ёки қатналган ўтмиш воқеалар тўғрисида ўзган асари) эсдаликлари ўз ичига олади. Айрим манбаларда Биринчи салиб юриши тарихи, Қуддус киролигининг ижтимоий*сиёсий тузуми тарихи ва Тўртинчи салиб юриши тарихига оид матнлардан баъзи лавҳалар келтирилади. Айнан шу сюжетлар яъни асарнинг асосий мазмуни мазкур мавзунинг диққат марказида туради.

Салиб юришларининг айрим фактларини акс этишини ишончлилигини даражасини аниқлашга уринишда ўша даврга оид адабиётларни бир-бирига таққослаш ўта ибратли ва муҳимдир: жуда кўп ҳолатларда улар шарқлик турихчиларнинг асарларини афзал кўриш имконини беради.

Араб, сурия, грек муаллифларининг асарларини лотин муаллифлари билан таққослагандаги устунлигини биз айрим факт ва воқеалардан озми ёки кўпми кўринишдаги сюжетларни таъкидлашга тўғри келади. Масалан, салибчилар давлатларида шаклланган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни англашга ҳаракат қилган тарихчи ва бунда Фульхерий Шартрский ёки Альберт Аахенскийнинг, Гийом Тирский ёки Жак Витрийскийларнинг қиссаларидаги мавжуд маълумотлардан фойдаланишга уринганида уларнинг қиссаларидаги биринчи қарашда ҳайрон қолдирадиган хусусиятига тўқнашади. Бу хроникаларнинг муаллифлари ҳарбий-сиёсий, дипломатик, чрков, матримониал соҳалари бўйича Қуддус киролигининг тарихи воқеа—ходисаларига жуда кўп жой

¹⁴ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч.Тошкент,”Маънавият”, 2008, 105,119-бетлар.

ажратиб, улар Куддус давлатининг кундалик иқтисодий ҳаёти ва ижтимоий тузумини характерловчи кўринишларни жуда оз даражада ёритишади.

Константинополни босиб олинишига ва лотин империясини ташкил топишига олиб келган Тўртинчи салиб юриши, кўплаб мемуарлар ва хроникаларда ёритилади. Буларнинг энг мазмунли ишончлиси бу юришнинг қатнашчилари бўлган икки нафар феодалга ва бир нафар бу руҳонийга тегишли бўлиб, руҳоний юриш қатнашчисини сўзидан ёзиб олинган. Биз бу ерда салибчиларнинг кўзга кўринган йўлбошчиси Шампаннинг маршали Жоффрау Виллардуэннинг (1150-1213) “Константинополни эгалланиши” асарини назарда тутамиз. Муаллиф 1201 йилдан бошлаб мунтазам равишда кундалик ёзувларини юритиб унинг асосида 1207 йилдан бошлаб ҳаётининг сўнгги йилларида айтиб бериб туриб ёздирган француз тилидаги асар ҳисобланади. Яна бир француз тилида ёзилган асар амьенлик рицар Робер де Кларинг (1170-1216) мемуари бўлиб, бу асар “Константинополни эгаллаганлар тўғрисида” ёки “Константинополни эгалланиши” деб номланади. Бу асар, муаллифни 1205 йилда Адрианопол ёнидаги жангдан кейин ватанига қайтиб келганидан сўнг кўп йиллар мобайнида ёзилган бўлиб, 1216 йилгача бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни қамраб олади, шу вақтдан бошлаб мемуар узилиб қолади ва шу билан бирга Робер де Клари тўғрисидаги маълумотлар ҳам йўқ бўлиб қолган. Ибодатхоначи муаллифни масаласига келсак, бу шахс эльзаслик монах Гунтер бўлиб, у Пэрис монастирида 1207-1208 йилларда “Константинопол тарихи” ни. Константинополдан қайтиб келган пэпислик аббат Мартиннинг сўзидан ёзиб олган.

Робер де Кларинг хроникаси XIII аср бошидаги муҳим тарихий-адаби асар ҳисобланади. Муаллиф ижтимоий-сиёсий йўналишни муҳокама қилиб қараб чиқиши ўзида жуда кўп ҳажмдаги муҳим маълумотларни қамраб олаган асар ҳисобланади.

IV салиб юриши аввалги салиб юришлардан тубдан фарқ қилган. Агар олдинги юришлар рицарларни такводорлиги ва маънавий қарашлари билан ажраб турган бўлса, бу юришда биринчи ўринга манфаатлар устунлиги чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: 1998.
2. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, ”Маънавият”, 2008.
3. Анна Комнина. Алексиада.- М.: Наука, 1985.
4. Виппер Р.Ю. История средних веков. Курс лекций. Санкт-Петербург. 2001.
5. Всемирная история в 10 томах. Том-3. – М; 1987.
6. Заборов М. А. Крестоносцы на Востоке. – М.: Наука, 1980.
7. Заборов М.А. “История крестовых походов. В документах и материалах». М.; 1977.
8. Заборов М.А. Введение в историографию крестовых походов (Латинская хронография XI-XIII вв.).- М.: Наука, 1976.
9. Заборов М.А. Историография крестовых походов (литература XV-XIX вв.).- М.: Наука, 1981.
10. История средних веков. В 2-томах. том 1. М. 2005.
11. Робер де Клари. Завоевание Константинополя.- М.: Наука, 1993.
12. Семёнов. В.Ф. Ўрта асрлар тарихи. Тошкент, 1973 й.
13. Хрестоматия по истории средних веков. Часть 1. Москва, 1980
14. Интернет маълумотлари: